

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

## **ПЕНСИЯ ИШИ ЙЎНАЛИШИ**

**“ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ  
ТИЗИМЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ – УСЛОВИЙ  
МАЖМУА**

**Тошкент 2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_ -сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТМИ, “Пенсия иши” кафедраси катта ўқитувчиши Турсунов Ж.П.

**Тақризчилар:** – Вахабов А.В. Ўзбекистон Миллий университети “Макроиктисодиёт” кафедраси мудири, и.ф.д., проф.  
– Абдуллаев З.А. Тошкент Молия институти “Пенсия иши” кафедраси доценти, и.ф.н.

**Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг 201\_\_ йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

|   |     |
|---|-----|
| I. Ишчи дастур .....  | 4   |
| II. Модулни ўқитища фойдаланиладиган интерфаол таълим методлар. . . . | 14  |
| III. Назарий материаллар.....   | 17  |
| IV. Амалий машғулотлар.....   | 44  |
| V. Кейслар банки.....   | 45  |
| VI. Мустақил таълим мавзулари.....                                    | 81  |
| VII. Глоссарий .....  | 833 |
| VIII. Адабиётлар рўйхати .....  | 89  |

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожатномасида келтирилган устувор йўналишлар ва вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини муутазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишининг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуклар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантишнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта қўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилишини таъминлаш мақсадида “...таълим жараёнини, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларини янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий ташкилий шаклларни

жорий этиш асосида янада такомиллаштириш” асосий вазифлардан бири қилиб белгиланган.<sup>1</sup>

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлик компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **Хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари модулининг мақсад ва вазифалари:**

- “Пенсия иши” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Пенсия иши” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 21 апрел.

### **Тингловчи:**

- пенсия тизимининг давлат иқтисодиёти ва молия тизимиға таъсири;
- аҳолининг қариши, туғилиш-ўлиш индексларини пенсия тизимиға таъсири;
- ривожланган давлатлар пенсия тизимини бошқариш сиёсати;
- пенсия тизими юзасидан халқаро амалиёт ва хорижий тажрибалар ҳакида **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- давлат пенсия тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини таҳлилини;
- хусусий пенсия тизими маблағларини ҳаракатини баҳолаш усулларини;
- давлат ва хусусий пенсия тизимидан иборат аралаш тизим таҳлилини;
- нодавлат пенсия фонди даромадларини шакллантиришни;
- халқаро пенсия тизими амалиёти ва тажрибалар асосида ижтимоий сугурта ролини ошириш бўйича **кўнгилмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- пенсия фондининг капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларини таҳлил қилиш;
- ривожланган мамлакатлар пенсия таъминоти тизими ҳолатини таҳлил қилиш;
- хусусий пенсия фондига маблағларни жалб қилиш механизмларини баҳолаш;
- фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида пенсия тизимини такомиллаштириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Давлат пенсиялари ва ижтимоий нафақалар”, “Тизимли таҳлил усуллари” ва “Жамғарib бориладиган пенсия таъминот” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг

умуммутахассислик бўйича тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар замонавий эконометрик моделларни тузиш ва қўллашдаги муаммоларни аниqlаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш ҳамда оптимал қарорлар қабул қилиш ва прогнозлашга доир умуммутахассислик компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти**

| №            | <b>Модул мавзулари</b>                                     | Тингловчининг ўқув юкламаси, соат |                                  |         |    |                 |                | <b>Мустакил таълим</b> |  |
|--------------|--|-----------------------------------|----------------------------------|---------|----|-----------------|----------------|------------------------|--|
|              |  | Хаммаси                           | Аудитория ўқув юкламаси жумладан |         |    | Амалий машғулот | Кўчма машғулот |                        |  |
|              |  |                                   | Жами                             | Назарий |    |                 |                |                        |  |
| 1.           | Жаҳонда пенсия тизимларининг ривожланиш тарихи             | 6                                 | 6                                | 2       | 4  |                 |                |                        |  |
| 2.           | Европа давлатлари пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари | 6                                 | 6                                | 2       | 4  |                 |                |                        |  |
| 3.           | Тараққий этган мамлакатларнинг пенсия тизимлари            | 10                                | 8                                | 4       | 4  |                 |                | 2                      |  |
| 4.           | Осиё мамлакатларининг пенсия тизимлари                     | 6                                 | 6                                | 2       | 2  | 2               |                |                        |  |
| <b>Жами:</b> |  | 28                                | 26                               | 10      | 14 | 2               | 2              | 2                      |  |

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу. Жаҳонда пенсия тизимларининг ривожланиш тарихи (2 соат)**

XVIII-XIX асрларда пенсия тизимини ривожланишининг дастлабки босқичи. Пенсия тизимининг вужудга келиши юзасидан ёндашувлар. XIX охири пенсия тизимининг ривожланиши иккинчи босқичи. Миллий пенсия тизими шаклнишига таъсир этувчи омиллар. Демографик ва молиявий иқтисодий омиллар. Пенсия тизимининг авлодлар бирдамлиги модели. Ижтимоий ҳамкорлик ва аҳолининг барча қатламларининг бирдамлиги. Пенсия тизимининг тақсимот тортилувчан моделининг мезони ва афзалликлари. Пенсия тизимининг капиталлашган модели. Жамғарib бориладиган пенсия тизими моделининг тавсифи. Жамғарib бориладиган пенсия тизими моделининг ижобий ва салбий томонлари.

Пенсия тизими моделлари. Пенсия тизимини ислоҳ етишда Лотин Америкаси моделининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари ва тараққиёти модели ва уни амалга ошириш босқичлари. Швед модели, уни амалиётга жорий етилиши.

## **2-мавзу. Европа давлатлари пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари (2 соат)**

Европа иттифоқига аъзо мамлакатларнинг пенсия тизимлари. Ижтимоий ҳимоя дастурларининг турлари. Хусусий ва жамғарib бориладиган пенсия фондлари фаолиятининг аҳамияти. Пенсия таъминоти тизимидағи ислоҳотларни амалга оширилиши. Пенсия турлари: ёшга доир пенсиялар, ногиронлик пенсиялари, қарилек пенсиялари. Пенсия ёшидаги фуқаролар учун белгиланган иш стажи. Хорижий фуқароларни пенсия билан таъминлаш хусусиятлари. Хусусий пенсия фондлари. Пенсия фонди активларини бошқариш.

Германия пенсия тизимининг хусусиятлари. Германияда пенсия турлари. Германияда давлат пенсия таъминотини молиялаштириш ва назорат қилиш механизми. Германияда фаолият юритаётган ижтимоий фондлар даромадларининг манбалари. Германияда пенсия фонди харажатларини амалга ошириш. Хусусий ва жамғарib бориладиган пенсия фондларининг аҳамияти.

Франция пенсия таъминот тизими. Францияда пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Францияда фуқароларнинг пенсия таъминотида давлат иштироки. Пенсия тизимининг асосий бўғинлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Францияда пенсия турлари. Францияда ижтимоий фондларнинг фаолияти. Ижтимоий фондларнинг даромадларини шакллантириш. Ижтимоий фондлардан пенсиялар ва нафақаларни молиялаштириш механизми.

## **3-мавзу. Тараққий этган мамлакатларнинг пенсия тизимлари (4 соат)**

АҚШда ижтимоий ҳимоя дастурларининг турлари. АҚШда ижтимоий фондларнинг даромадларини шаклланиши. Ижтимоий фондларнинг харажатлари. Пенсия таъминотида нодавлат пенсия фондларининг аҳамияти. PAYGO (pay-as-you-go) тизими фаолияти. АҚШда пенсия таъминоти тизимидағи ислоҳотларни амалга оширилиши. Канаданинг пенсия тизими. Канадада фуқароларнинг пенсия ёши. Пенсиянинг турлари. Пенсия тизимидағи мавжуд муаммолар.

Чили пенсия тизими тарихи. Чили пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Чили фуқароларнинг пенсия таъминотида давлат иштироки. Пенсия тизимини молиявий таъминлашнинг назарий асослари. Чили давлат пенсия таъминотини молиялаштириш масалалари. Чили пенсия таъминоти тизимининг ислоҳотлари. Аргентина пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Пенсия турлари. Пенсия тизимини

такомиллаштириш масалалари.

Австралия пенсия тизими. Австралияда пенсияга чиқиш ёши ва иш стажи. Австралияда ёшга доир пенсияларни тайинланиши ва тўланиши. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда хусусий пенсия фондларининг аҳамияти. Хусусий пенсия фондларига фуқаролар томонидан сугурта бадаларини тўланиши. Пенсия фондларининг инвестицион фаолияти. Австралия пенсия тизимидағи ўзига хос муаммолар.

#### **4-мавзу. Осиё мамлакатларининг пенсия тизимлари (2 соат)**

Япониянинг ижтимоий таъминот модели. Японияда пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Япония пенсия таъминотини бюджетдан молиялаштириш механизми. Пенсия тизими ислоҳотларининг йўналишлари. Японияда фуқаролар пенсия таъминотига оид статистик кўрсаткичлар таҳлили. Япония пенсия таъминотида қоплаш коеффициентини камайтириш зарурияти.

Жанубий Корея давлат пенсия суғуртаси. Миллий пенсия фонди фаолияти. Жанубий Кореяда пенсия турлари ва пенсияларининг таркибий тузилиши. “Базавий пенсия тўғрисида”ги Қонун. Жанубий Кореяда давлат пенсия таъминотини молиялаштириш тамойиллари. Жанубий Кореяда пенсия таъминоти ислоҳотлари. Жанубий Кореяда хусусий ва жамғарib бориладиган пенсия фондларининг аҳамияти. Пенсия тизимидағи муаммолар ва уларни бартараф етиш йўллари.

Хитой давлат пенсия тизимининг яратилиши. Хитой пенсия таъминотининг вазифалари. Хитойда давлат пенсияларини ҳисобланиши ва тўланиши. Минимал давлат пенсияларни тайинлаш. Хитой пенсия тизими маблағларининг тақчиллиги. Хитой пенсия фондларининг молия бозоридаги иштироки. Пенсия таъминотини молиялаштиришнинг ҳозирги замон муаммолари.

Марказий давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг пенсия таъминоти тизимлари. Пенсияга чиқиш ёши ва иш стажи. Пенсия тизимининг муқобил моделлари. Пенсия таъминотининг долзарб муаммолари.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу. Жаҳонда пенсия тизимларининг ривожланиш тарихи (4 соат)**

Пенсиянинг пайдо бўлиши. Пенсия тизимининг вужудга келиши юзасидан олимларнинг ёндашувлари. Пенсия тизимларининг ривожланиш босқичлари. Демографик омилларнинг пенсия тизимига таъсири. Пенсия тизимининг авлодлар бирдамлиги модели. Пенсия тизимининг тақсимот тортилувчан моделининг мезони ва афзалликлари. Пенсия тизимининг капиталлашган модели. Жамғарib бориладиган пенсия тизими моделининг тавсифи.

Пенсия тизими моделларининг бир-биридан фарқли хусусиятлари. Бисмарк моделининг ўзига хос хусусиятлари. Беверидж моделининг ўзига хос хусусиятлари.

## **2-мавзу. Европа давлатлари пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари (4 соат)**

Европа иттифоқига аъзо мамлакатларнинг пенсия тизимлари. Хусусий ва жамғарib бориладиган пенсия фондлари фаолиятининг аҳамияти. Пенсия турлари: ёшга доир пенсиялар, ногиронлик пенсиялари, қарилик пенсиялари. Пенсия ёшидаги фуқаролар учун белгиланган иш стажи. Ўртача пенсия миқдорлари. Хусусий пенсия фондлари. Пенсия фонди активларини бошқариш.

## **3-мавзу. Тараққий этган мамлакатларнинг пенсия тизимлари (4 соат)**

Ривожланган давлатларда ижтимоий ҳимоя дастурларининг турлари. Ижтимоий фондларнинг даромадларини шаклланиши. Ижтимоий фондларнинг харажатлари. Пенсия таъминотида нодавлат пенсия фондларининг аҳамияти. PAYGO (pay-as-you-go) тизими фаолияти. Жамғарib борилувчи пенсия тизимининг аҳамияти. Пенсияларнинг турлари. Пенсияга чиқиш ёши ҳамда ўртача пенсия миқдорлари.

## **4-мавзу. Осиё мамлакатларининг пенсия тизимлари (2 соат)**

Осиё мамлакатларининг ижтимоий таъминот моделлари. Пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятлари. Пенсияларнинг турлари. Пенсияга чиқиш ёши ҳамда ўртача пенсия миқдорлари. Демографик ҳолатнинг таъсири.

Марказий давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларининг пенсия таъминоти тизимлари. Пенсияга чиқиш ёши ва иш стажи. Пенсия тизимининг муқобил моделлари. Пенсия таъминотининг долзарб муаммолари.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш;
- баҳс ва мунозаралар (loyihalar echimi bўyicha daliillar va asosli aргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қўйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

| №  | Баҳолаш тури   | Энг юқори балл 2,5 | Изоҳ   |
|----|--|--------------------|--|
| 1. | Таълим олувчилар модулли ўқув ахборотини ўзлаштиришлари учун, ўқитишининг мақсад ва натижаларини, модул мазмунини аниқ танланганлиги | 1,0 балл           | Масала ва топшириқларни бажариш - 1,0 балл.        |
| 2. | Модулли ўқув ахборот: график, расм кўринишида етарли миқдорда, сифатли маълумотдан иборат бўлиши                                     |                    |  |
| 3. | Вазият моделини яратилиши  |                    |  |
| 4. | Кейс матни баён этилиши  |                    |  |
| 5. | Кейснинг педагогик паспортининг тузилиши   | 1,5 балл           | Кейс-стади технологиясини ишлаб чиқиши - 1,5 балл. |

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

**Муаммони жамоали тарзда ҳал этишининг усуллари ва воситалари**

### Музокаралар

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

### Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши

Олиб борувчининг кириш сўзи, кўрилаётган масала билан аудиторияни таништириш, регламентни тасдиқлаш, иштирокчиларни таништириш



## **Баҳс**

**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

### **Анжуман-баҳсининг роли**

**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнини амалга оширади. У нафакат нутқ сўзловчининг асосий нуқтай назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлади, тушунчалар тавсифини аниқлади, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳолосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аниқ бир иштирокчининг қўшган ҳиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

### **«Ақлий ҳужум»**

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив қўнималарни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


– **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича кўпроқ фикрлар ийғилишини таъминлайди. Бутун ўқув гуруҳи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

– **Оммавий ақлий ҳужум** – микро гурухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


- Хар бир гурӯҳ ичидаги умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

### Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилар





**Вени диаграммаси**



### CWOT-таҳлил жадвали

**CWOT** – таҳлил номланиши инглизча бош ҳарфлардан олинган:

**Стренгтхс** – кучли томони, корхонада ички ресурслар мавжудлиги назарда тутилади;


**Weakнесс** – кучсиз томони ёки ички муаммолар мавжудлиги;

**Оппортуниties** – имкониятлар; корхона ривожланиши учун мавжуд имкониятлар;

**Тхреац** – хавфлар; ташқи муҳитдаги мавжуд хавф-хатарлар

Қоидага кўра, CWOT – таҳлилиниң муваффакияти ташкилотга боғлик бўлмай, балки келгусидаги стратегик мақсад ва лойихаларни ишлаб чиқишида унинг натижаси ҳисобга олинишига боғлиқ бўлади. Уни қўллашда элементларини қуидагича талқин қилиш мумкин:

### “Кучлар таҳлили” графиги



## «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойиҳасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиқлар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгигб ўтиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («kase» – аниқ вазият, ҳодиса, «stady» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари   | Фаолият шакли ва мазмуни   |
|---|--|
| <b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш   | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);<br>✓ ахборотни умумлаштириш;<br>✓ ахборот таҳлили;<br>✓ муаммоларни аниқлаш |
| <b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш  | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш  |
| <b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>✓ муқобил ечимларни танлаш     |

|  |   |
|--|---|
| <b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ мұқобил вариантын амалда құллаш имкониятларни асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний холоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul> |
|--|---|

## Кейс

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқтлар бүйіча әйлон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассиси грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳаки олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни грандан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу. Жаҳонда пенсия тизимларининг ривожланиш тарихи (2 соат)**

##### **Режа**

1. Пенсия тизимларининг моделлари ва ривожланиш тарихи
2. Дунё мамлакатларида пенсия таъминоти тизимидағи пенсиялар турлари
3. Жаҳонда пенсия тизимлари моделларини мамлакат иштимоий иқтисодий жараёнларга bogлиқ ҳолда танланиши

**Таянч сўз ва иборалар:** хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари, пенсия таъминоти тизими, давлатнинг ижтимоий сиёсати, пенсия таъминоти, давлат бюджети, давлат пенсия тизими, нодавлат пенсия тизими, Беверидж модели, Бисмарк модели, Англисаксон модели, авлодлар бирдамлиги.

##### **1. Пенсия тизимларининг моделлари ва ривожланиш тарихи**

Ҳар қандай давлатнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири ўз фуқаролари учун уларнинг меҳнат давридан кейин муносиб кексаликни таъминлаш ҳисобланади. Бу функцияни бажариш учун давлат меҳнатга лаёқатсиз ахоли қатламига (қариллик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича) ижтимоий шаклга эга бўлган пенсия деб номланувчи пул тўловларини тўлаб боради.

Пенсия тизимларининг ижтимоий институт сифатида юзага келиши анча олдин содир бўлган. Рим империясида Юлий Цезар даврида ёқ легионерларга муносиб кексаликни таъминлаш чоралари кўзда тутилган. Ҳар бир легионерга урушда босиб олинган ерлардан мулк ажратилган.

Ҳозирги пайтда дунёда пенсия тизими тарихи XVIII-XIX асрлардан, давлат хизматчиларининг алоҳида камсонли гурухларининг давлат пенсия таъминотидан, мамлакатнинг барча фуқароларини қамраб олувчи пенсия механизмига ўтиш давридан бошлаб ўрганилади. Бунда айниқса Европа мамлакатлари – Франция, Буюк Британия ва Германиялар илғор саналади. Биринчи пенсия таъминоти Франциянинг ҳарбий денгиз флоти офицерлари учун 1673 йилда жорий етилган. Буюк франсуз революцияси даврида, 1790 йилда давлат хизматчилари бўлган, 30 йиллик стажга эга бўлиб, 50 ёшдан ошган фуқароларнинг пенсиялари тўғрисида қонун қабул қилинган. Илк кенг кўламли пенсия тизими канслер Отто фон Бисмарк ислоҳотлари туфайли пайдо бўлган У секин аста амалиётга тадбиқ этилиб, аввалига bemорлар ва ногиронларни молиявий қўллаб-қувватлашни (1884 й), кейинчалик эса умумий пенсия таъминотини кўзда тутган. Америка қўшма штатлари (АҚШ)да эса бундай тизим анча кечроқ, яъни 1935 йилда Рузвелт томонидан

“Ижтимоий ҳимоя акти” имзоланганидан кейин, Буюк Британияда 1908-йилда, Францияда эса 1910 йилда ташкил этилган.<sup>2</sup>

Биринчи, хусусий секторда банд бўлганларни давлат томонидан ёшга доир пенсия билан таъминлаш тизими 1889 йилда Германияда ташкил этилган. Бу ишга Германияликлар ижтимоий суғурталашни мажбурий бадалларга асослаган ҳолда ёндошганлар. Иш берувчилар ва ишчилар уни молиялашириш учун маблағлар ажратиши яъни бадаллар тўлаши лозим бўлган. Германияда амалга киритилган тизим фаолияти, гилдиялар ва ишчилар бирлашмалари ташкил етган ихтиёрий ўзаро ёрдам фондларининг амалиётига таянган еди. Янги тизимдаги пенсия хуқуки аввал тўланган бадалларга асосланган. 1891 йилда Дания ва 1898 йилда Янги Зелландия муҳтоҷ аҳоли қатламига мақсадли ёрдам беришга йўналтирилган пенсия тизимини амалга киритди. Бу тизим умумий солиқ даромадлари ҳисобига молиялаштирилиб, эҳтиёжларни аниқлашни мўлжалланган ва тўловларнинг қатъий миқдорини кафолатлаган. Бу тизимлар кўпроқ муҳтоҷ аҳоли қатламига оид анъанавий қонунчиликдан келиб чиққан.

Кейинги йилларда кўпчилик ғарбий Европа мамлакатлари герман модели бўйича пенсия суғуртаси тизимини шакллантирди, англисаксон мамлакатлар (АҚШдан ташқари) ва шимолий Европа давлатлари еса кўпроқ Дания ва Янги Зенландия йўлини танлади. Бу тизимлар турли масалаларни ҳал қилган. Германия модели ишловчиларнинг пенсияга чиққанидан сўнг мавжуд ижтимоий ҳолатини сақлашга мослаштирилган. Дания модели эса (Англияда тадбиқ этилган) – муҳтоҷликни чеклашга қаратилган.

XX асрда жаҳон давлатлари пенсия тизимларининг аста секин яқинлашуви рўй беради. Суғурта бадалларига асосланган тизимларда аввалги тўловлардан қатъий назар, минимал пенсия кафолатланди. Бюджет даромадидан молиялаштириладиган, барчага тенг бўлган пенсия миқдорига асосланган мамлакатларда эҳтиёжларни аниқлаш назорати бекор қилинди. Буюк Британияда қатъий минимал пенсияларга қўшимча равишда мажбурий ижтимоий суғурта тизими киритилди.

1920 йилларда АҚШда штатлар хукумати муҳтоҷлилик белгиларига асосланган пенсия тизимларини кўллашни бошлишди. 1934 йилга келиб бу тизим 28 та штатда мавжуд эди. 1935 йилда АҚШда пенсия суғуртасининг федерал тизими жорий этилди.<sup>3</sup> Унга кўра Федерал пенсия фонди Сосиал Сесурит ташкил этилди.

Шу йили Халқаро Мехнат ташкилоти мигрантларнинг хуқуқларини мустаҳкамлаш мақсадида, қарилик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсияларига оид қонунларнинг координацион, яъни, ўзаро мувофиқлаштирилган тизимини яратиш ташаббуси билан чиқади.

Пенсия дастурларининг ўзига хос белгиларидан бири – уларнинг вужудга келиши босқичида сиёсий оммабоплиги эди. Бу тушунарли: пенсияга чиқувчи ишчилар ўтган меҳнат стажи давомида, уларнинг пенсия

<sup>2</sup>К.э.н. Федотов А.И. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах. 2007.

<sup>3</sup>Beveridge Not Bismarck! European Lessons for Men’s and Women’s Pensions in Germany. February 2014.

тўловларини таъминловчи бадалларни тўлиқ миқдорда тўлашмаган. Уларнинг пенсия тўловлари оғирлиги келгуси ишчилар авлоди зиммасига тушган. Бироқ қариялар улуши кам бўлган ёш индустрисал жамият учун бу жиддий муаммога сабаб бўлмаган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида деярли барча индустрисал давлатлар ўз пенсия таъминоти тизимига эга бўлсада, уларнинг қўпчилигига пенсия тизими ва пенсия тўловлари билан таъминланган аҳоли улуши чегараланган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йиллик, қўплаб ривожланган давлатларда қопланиш даражасининг ошиши ва пенсия тўловларининг оммалашуви даври бўлди.

Шунингдек бу даврда пенсия таъминотига оид қонунчилик базаси такомиллашиб борди. 1962-йилда Халқаро Мехнат ташкилоти томонидан №118-сонли “Мамлакат фуқароси, чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг teng ҳукуқлилиги тўғрисида”ги Конвенция қабул қилинди. Унда ижтимоий таъминот соҳасидаги teng ҳукуқлилик тамойили ўрнатилди. Бу конвенцияни ратификация қилган Халқаро Мехнат ташкилоти аъзолари ўз худудларида Халқаро Мехнат ташкилотига аъзо бошқа давлат фуқароларини, шунингдек қочоқ ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни 1952-йилда №102-сонли конвенция билан кафолатланган ижтимоий таъминланиш ҳукуқларини, ўз фуқаролари билан бир қаторда таъминлаш мажбуриятини олганлар. 1965-йилда №48-сонли конвенция қабул қилинди. Унга кўра аниқ бир шахснинг меҳнат фаолияти бир неча мамлакатларда амалга оширилган бўлса, бу ҳолда ҳар уч турдаги пенсиядан бирини олаётганда аниқланадиган меҳнат стажи даврлари йигиндиси қандай ҳисобланиши масалаларини тартибга солиш имконияти вужудга келди. Бу масалалар янада батафсил қилиб 1982-йилда имзолangan №157-сонли конвенцияда ишлаб чиқилган.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилсақ, XIX–XX асрларда турли пенсия таъминоти моделлари акс этган иккита базавий назарий-услубий ёндошувлар шаклланган.<sup>4</sup>

Биринчиси, давлат пенсия тизими иштирокчиларининг даромадини минимал даражада таъминлашни кафолатлаш заруратига қаратилган бўлса, иккинчиси, суғурталанган ишчининг даромадини, унинг иш ҳақининг маълум бир қисмини резервлаб қўйиш хисобига, пенсиядан олдинги даромади билан солиштириб, ўша даражада сақлаб қолишини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу ёндошувлар асоси қуйидаги пенсия тизими моделларидан иборат. Улар турли йилларда шаклланган О.Бисмарк ва У.Беверидж тамойиллари асосида қурилган.

## **2. Дунё мамлакатларида пенсия таъминоти тизимидағи пенсиялар турлари**

Бунга қуйидаги пенсия таъминоти тизимлари киради:


<sup>4</sup> Naczyk, M.; Palier, B. (2012): France: Promoting funded pensions in Bismarckian corporatism?, in: Ebbinghaus, B. (ed.): Varieties of Pension Governance. The Privatization of Pensions in Europe. Oxford: Oxford University Press, 89–118.

1. Давлат пенсия таъминоти тизими
2. Хусусий (нодавлат) пенсия таъминоти тизими
3. Фуқароларнинг шахсий (жамғарип бориладиган) пенсия тизими

Давлат пенсия таъминоти мамлакатнинг ҳар бир фуқаросини ёки алоҳида гуруҳлари (масалан, давлат хизматчилари)ни қамраб олади. Давлат пенсия таъминоти фуқароларининг қариганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда, боқувчисиз қолганда ижтимоий таъминланишдан иборат ҳукуқларини рўёбга чиқаришни кўзда тутади.

Давлат пенсиялари 3 гуруҳдан иборат:

1. Меҳнат пенсияси
2. Ижтимоий пенсия ва нафақалар
3. Давлат хизматчилари учун пенсиялар



### **1-расм. Дунё мамлакатларида давлат пенсиялари турлари**

Меҳнат пенсияси – пенсионернинг иш стажидан ва ўртача ойлик иш хақидан, шунингдек тўлаган суғурта бадаллари миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади ва тайинланади. Меҳнат пенсиясини олиш ҳукуки фуқаро маълум бир ёшга тўлганида пайдо бўлади. Бу кўрсаткич турли давлатларда турлича бўлиб, кўпчилик хорижий давлатларда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тавсиясига кўра у аёллар ва эркаклар учун 65 ёш қилиб белгиланган. Бизда бу кўрсаткич аёлларда 55 ёш, эркакларда 60 ёшни ташкил қиласди.

Ижтимоий пенсия ва нафақалар эса иш стажига боғлиқ бўлмай, аҳолининг ижтимоий муҳтож қатлами учун тайинланади ва тўланади. Ижтимоий пенсиялар турли давлатларда турли шартларда тайинланади. Масалан, АҚШда ижтимоий пенсия кам таъминланган фуқаролар учун минимал пенсия миқдорида тўланади, агарда у фуқаро бошқа даромад манбаига эга бўлса, ижтимоий пенсия миқдори камайтирилади.

Давлат хизматчилари учун пенсиялар эса ҳарбий хизматчилар, мансабдор шахслар учун тайинланади. Бу пенсия тўловлари бевосита давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Масалан яқин йилларгача Хитой Халқ Республикасида давлат пенсияси фақатгина давлат хизматчилари, амалдорлар учун берилар эди.

Давлат пенсия таъминоти тизими ижтимоий солиқлар ва тўловлар ҳисобига молиялаштирилиб, унда иштирок этиш барча ишловчилар ва иш берувчилар учун мажбурий ҳисобланади. Демак, давлат пенсия тизимининг асосий молиявий манбаи ижтимоий суғурта тизимиға киритиладиган тўловлар ҳисобланади. У умумий ойлик иш ҳақининг ҳажмиға боғлик бўлиб, турли мамлакатларда турлича кўрсаткичга (Канадада 5 фоиз, Италияда 30 фоизгача) эга. Айрим мамлакатлар (АҚШ, Канада, Япония)да тўловлар иш берувчи ва ишчилар томонидан тенг миқдорда тўланади, бошқа мамлакатлар (Испания, Италия)да эса иш берувчи зиммасига юк кўпроқ тушади. Ижтимоий тўловлар ёки солиқлар ставкалари ҳар бир давлатнинг қонунчилиги билан белгилаб қўйилади (1-жадвал).

Давлат пенсия таъминоти одатда солидар (тақсимловчи) тизимга асосланади. Солидар тизимда пенсионер ўз пулларини эмас, балки айни пайтда солиқ ва бадаллар тўловчилари бўлмиш ишловчиларнинг пулларини оладилар. Шу тариқа, тақсимловчи тизим ўзида авлодлар бирдамлигини ифодалайди.

“Авлодлар бирдамлиги” ижтимоий тамоил бўлиб, у мажбурий тартибида амалга оширилганда ва давлат даражасида ҳамда демографик ҳолат ижобий бўлгандагина тўлақонли ишлаши мумкин.

Бу тизимнинг моҳияти шундаки, пенсия фондига келиб тушувчи пенсия суғуртаси бадаллари кўринишидаги маблағлар, пенсия фондлари ҳисоб рақамида деярли ушланиб қолмай, ойлик пенсия тўловлари кўринишида пенсионерлар ихтиёрига ўтади. Шу тариқа пенсия тўловлари ўрнатилган миқдорларда таъминланиши кафолатланади.

## 1-жадвал

### Хорижий давлатлар пенсия тизимини молиялаштириш манбалари

| Давлат        | Ишловчилардан ушланмалар (ойлик иш ҳақидан, %) | Иш берувчилардан ушланмалар (ойлик иш ҳақи фондидан, %) |
|---------------|--|---|
| Швеция        | 1  | 19,03   |
| Белгия        | 7,5  | 8,86  |
| Франция       | 6,6  | 8,2   |
| Греция        | 6,67   | 13,33   |
| Норвегия      | 7,8  | 14,2  |
| Италия        | 8,7  | 21,3  |
| Буюк Британия | 5-9  | 5-10,45   |
| Япония        | 8,25   | 8,25  |
| Ирландия      | 7,75   | 12,25   |
| Туркия        | 9  | 11  |
| Испания       | 4,7  | 23,6  |

Хорижий давлатлар давлат пенсия таъминотини фуқароларнинг пенсияга чиққанида эга бўладиган даромадига кўра учга бўлиш мумкин:

- Юқори даражадаги қоплаш, қопланиш даражаси 50% дан юқори;
- Ўрта даражада қоплаш, қопланиш даражаси 50%;
- Паст даражада қоплаш, қопланиш даражаси 50% дан паст.

Қопланиш коеффициенти – ўртача пенсия миқдорининг ўртача ойлик иш ҳақи нисбатига тенг бўлиб, Халқаро Мехнат Ташкилоти стандартларига кўра қопланиш коеффициенти даражаси фуқаронинг меҳнатга лаёқатли давридаги ойлик иш ҳақи (даромади)нинг 40 фоизидан кам бўлмаслиги керак<sup>5</sup>.

Шахсий пенсия ҳисоб рақамда жамғарилувчи пенсияларни фуқаро пенсия ёшига йетгандаги олиши мумкин бўлади. Шахсий ҳисоб рақамга ўtkазиб турилувчи сугурта бадаллари ойлик ёки йиллик суммаси кўп мамлакатларда чегаралангандир. Одатда шахсий пенсия ҳисоб рақами тижорат ва омонат банкларида, сугурта ташкилотларида очилади.

Жамғарилувчи тизим асосида, пул фондларини ташкил қилиш схемаси ётади. Унда барча молиявий маблағлар жамланади ва унинг маълум қисмигина жорий пенсия тўловлари харажатларини қоплашга сарфланади. Колган, резерв қисми эса даромад олиш манбаси сифатида инвестицияларга йўналтирилади.

Резерв қисм фонд фаолиятининг биринчи босқичида, ишловчи иштирокчилар бадаллари умумий суммаси пенсия тўловлари учун зарур суммадан кўпроқ бўлиши ҳисобига шаклланади. Фонднинг ривожланиши ва фаолияти даражасига кўра ишловчиларнинг суғурта бадаллари жорий пенсия харажатларидан камаяди, тафовут эса инвестицион фойда ҳисобига қопланиб борилади.

Хорижий давлатларда жамғаруб бориш усули асосан нодавлат пенсия фондлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар (масалан, БМТ)га тегишли фондлар орасида кенг тарқалган. Лекин, айрим хорижий мамлакатларидаги давлат пенсия тизими юқоридаги икки тизимни ҳам, яъни, қайта тақсимлаш (солидар)тамойилига таянган давлат пенсия таъминоти тизимини (у асосий тизим ҳисобланади) ҳамда жамғарма механизмига таянадиган фуқароларнинг шахсий пенсия тизимини (қўшимча, тўлдирувчи тизим) ўз ичига олади. Масалан, АҚШ, Швеция ва Ўзбекистонда жамғаруб бориладиган пенсия тизими давлат пенсия тизимида ҳам қўлланилади.

Бироқ дунёдаги ҳар хил мамлакатлар тарихий анъаналар, жорий ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий имкониятлар ва бир қатор бошқа омилларга кўра ушбу икки тизимнинг ҳар хил қоришимасидан фойдаланади. Буткул ўхшаш икки пенсия тизимига эга давлатни топиш қийин.

Хорижий давлатларда давлат пенсиясидан ташқари хусусий пенсия сугуртаси тизими ҳам жорий қилинган бўлиб, у корпоратив (профессионал) ёки индивидуал жамғарма асосида қурилиши мумкин. Хусусий (нодавлат) пенсия таъминоти тизими бирор бир соҳага оид кишилар мажмуини қамраб

<sup>5</sup> “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида”ги №102 Конвенция. XMT 1952 йил.

олади. Одатда бу ролда касаба уюшмалари бирлашган йирик корхоналар, компаниялар ва корпорацияларнинг меҳнат жамоалари иштирок этади.

Кўплаб давлатларнинг пенсия таъминоти тизимида, хусусий пенсия тизими салмоқли ўринни эгаллайди.

Корпоратив пенсия тизимлари давлат ва индивидуал схемаларидан фарқли ўлароқ иш берувчилар томонидан молиялаштирилиб, фирманинг ихтиёрий ажратмалари ёки жамоа шартномаларидағи мавжуд шартларга таянади. Корпоратив пенсия тизимлари давлатнинг минимал аралашуви остида ва нисбатан кам маъмурий харажатларга эга бўлади. Бироқ айrim давлатларда фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоялаш мақсадида хусусий пенсия тизимларини назорат қилиш ва тартибга солишга оид қатор чоратадбирлар амалга оширилади. Масалан, фуқароларнинг пенсия таъминотида корпоратив пенсия тизимлари салмоғи жуда юқори бўлган АҚШда, бу тизим учун “ўйин қоидалари” давлат томонидан ўрнатилган ва назорат қилинади. Шу сабабли ҳам корпоратив пенсия тизими АҚШда иккинчи миллий пенсия тизими даражасигача кўтарилиган. Буюк Британияда эса хусусий пенсия тизимларини ролини ошириш мақсадида унинг иштирокчилари учун бир қатор имтиёзлар яратилган. Масалан, корпоратив пенсия тўловларидан солиқлар ушланмайди.

Корпоратив пенсия тизимда ишчига келажакда тўланиладиган пенсия унинг стажи ва ойлик иш ҳақисининг ҳажмига боғлиқ бўлади. Ишчи стажининг давомийлигини корхона белгилайди. Масалан, Германиянинг АирБус, Мерседес, Сейменс каби йирик корхоналари ҳодимлари, ушбу корхоналарда минимум 10-йил стажга ега бўлган тақдирда корпоратив пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Иш берувчилар учун корпоратив пенсия тизимини ташкил қилишдан асосий мақсад – рақобатбардошлиликни таъминлаш учун, энг яхши, малакали кадрларни жалб қилиш, кадрлар сиёсати ва интизомини мустаҳкамлашдан иборат ҳисобланади.

Демак, давлат юқорида келтирилиган биринчи ва иккинчи тизимларда, уларнинг ташкил қилиниш шартлари, пенсия таъминоти ҳажмини белгилашда иштирок этса, учинчи тизимда давлат тўғридан-тўғри иштирок этмайди, бироқ шартнома ва ҳуқуқий мажбуриятлар бажарилишида кузатувчи вазифасини ўтайди.

### **3. Жаҳонда пенсия тизимлари моделларини мамлакат иштимоий иқтисодий жараёнларга боғлиқ ҳолда танланиши**

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими узоқ давр мобайнида шаклланган бўлиб, дастлаб саноат инқилоби оқибатида вужудга келган. Европа ва Шимолий Америка мамлакатларида юз берган саноат инқилоби тараққиёт жараёнига кучли таъсир ўтказиб, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишига унадади.

Иқтисодиётни саноатлаштириш жараёнида ёлланма ишчилар синфи юзага келгандырылған ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини ўзгартиришни талаб қылди. Хусусан касаллик, ишсизлик ҳамда меңнатда шикастланганлик ёки қарилукта уларга иш ҳақи тұланиши тұхтатиб турилғанда, улар турмуш даражасини сақлаш ва қашшоқлик даражасига тушиб қолмаслик янги құллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлди.

Алоҳида банкларда жамғармалар ташкил қилиш имкони яратилди, касал ёки меңнатда шикастланган ишчиларни құллаб-қувватлаш бўйича иш берувчиликнинг зымасига мажбуриятлар юклатилди, касал бўлғанда ва қарилук чоғида молиявий ёрдам берадиган ташкилотлар ривожланди, хусусий суғурта фонdlари ишчилар ҳаётини суғурталаш ва дағн нафақаси ажратишни бошлади. Мазкур муносабатлар янги “ижтимоий таъминот” тушунчасини вужудга келишига сабаб бўлди.

Ижтимоий таъминот – бу жамият аъзоларини ижтимоий воситалар ёрдамида ҳимоя қилиш тизими бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг тұхташига сабаб бўладиган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар (касаллик, бола тўғиши, ишсизлик, ногиронлик, қарилук ва ўлим муносабати) оқибатида ажратиладиган ёрдам ва имтиёзлар йигиндисидир. Ижтимоий таъминотнинг молиявий манбаси ёлланма ходимлар томонидан мажбурий ажратиладиган суғурта бадаллари ҳисобланган. Мазкур суғурта ажратмалари соғлиги, малакаси, ёши ва жинсидан қатъий назар барча ходимлар томонидан тўланган. Суғурта концепцияси ишчилар бирдамлигини ифодалаб, ишдаги ҳамкаслар муҳтож бўлған ҳолларда уларни ажратилған суғурта бадаллари ёрдамида молиявий құллаб-қувватлашни назарда тўтган. Бунинг натижасида ижтимоий суғурта тизими ҳалқаро миқёсдаги қоидага айланди.

Ижтимоий таъминот тизими ривожланишининг дастлабки босқичида иш ҳақиси юқори ҳисобланган ходимлар ўзини-ўзи суғурта қилиши мумкин бўлган. Кейинчалик, ижтимоий таъминот тизимининг тараққиёти жараёнида пенсия ва нафақаларнинг қатъий белгиланган миқдори юзага келади ва суғурта тизими жамиятнинг барча аъзоларини қамраб олиш ғояси пайдо бўлди. Мажбурий суғурталаш тизимида енг кам иш ҳақи оладиган ходимларга белгиланган суғурта бадали юки юқори иш ҳақига ега ҳизматчиларга нисбатан оғир келди. Ўз навбатида, енг кам иш ҳақи даражасига асосланган нафақалар юқори ойлик олувчи ходимларни қониқтирмаслиги маълум бўлди. Бунинг натижасида, иш ҳақи миқдори бўйича мажбурий бадалларни йиғишига асосланган пенсия ва нафақалар тизими вужудга келди. Ижтимоий таъминот иш берувчиликнинг ёлланма ишчилари томонидан бошқариладиган хусусий тизим билан биргаликда ривожланди. Бу еса ижтимоий таъминотни сифатли таъминлашга мўлжалланган қўйидаги тизимни юзага келтирди:

- қатъий миқдорда давлат ёхуд иш ҳақи асосида ҳисобланган пенсия;
- хусусий фонdlар ҳисобидан ажратиладиган пенсиялар.

Хозирги кунга келиб ҳар бир мамлакат пенсия таъминоти тизими ўзига хос хусусиятига ега. Ривожланган мамлакатларда пенсия таъминоти тизими

уч бўғиндан иборат: давлат, нодавлат ёки ҳусусий пенсия жамғармалари ва суғурта институтларидир. Аксарият мамлакатларда пенсиянинг миқдори иш ҳақининг ҳажми ва тўланган суғурта бадали миқдорига қараб белгиланади.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор иқтисодиёти тизими аҳолининг кам таъминланган, ногирон ва кексайиб қолган фуқаролар турмуш даражасини ошириш борасида тегишли чоралар кўриши ва суғурта тизимини ривожлантириш заруриятини вужудга келтиради. Шу билан бирга, аҳолининг қариши билан белгиланадиган демографик вазиятнинг ўзгариши пенсия таъминоти ҳамда уларни ислоҳ қилишга жаҳон ҳамжамияти томонидан бўлаётган қизиқишнинг янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларда пенсия таъминоти тизими билан бир қаторда давлат тасарруфида бўлмаган ҳусусий пенсия таъминоти мавжуд бўлиб, унинг зарурлиги қуйидаги икки асосий сабаблардан келиб чиқади:

Биринчидан, бозор муносабатлари шароитида фуқароларни еркин фаолият кўрсатиш бўйича кўпроқ еркинлик бериши билан бир қаторда, уларга ижтимоий таъминотни таъминлаш борасида масъулият юклайди. Ҳар бир фуқаро меҳнатга қобилиятига ега даврдан бошлаб, у қариган ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда ўзини ижтимоий ҳимояланишини уйлаши керак.

Иккинчидан, ҳар қандай ривожланган давлатнинг молиявий имкониятлари чекланган бўлади. Давлат фуқаролар қариганда ёки меҳнат қобилиятини йўқотганда барқарор ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини амалга ошириш имконига эга эмас. Ижтимоий таъминот ўз имкониятларидан келиб белгиланади. Яъни давлат меҳнатга қобилияциз фуқароларни ўртacha турмуш даражасидан юқори миқдорда таъминлай олмайди.

Швед социологи Г.Эспинг-Андерсен ижтимоий йўналтирилган давлатнинг либерал, консерватив ва социал-демократик моделга ажратади:<sup>6</sup>

Либерал модел АҚШ, Канада, Австралия, Буюк Британияда шаклланиб, унда ҳусусий мулк хукмронлик қиласи. Моделнинг асосий шартлари: давлатнинг иқтисодиётга кам аралашуви; ЯИМда давлат улушининг пастлиги. Фуқароларга ижтимоий ёрдам суғурта бадаллари ҳисобидан амалга оширилади. Бу жараёнга давлат мумкин қадар кам аралашади, у асосан муайян кафолатларни тартибга солиш билан шуғулланади. Суғурта тўловлапи деярли бир миқдорда бўлади. Тадбиркорликни ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, корхоналар ишлаб чиқариши ривожлантириш учун талаб қилинмаган ходимларни ишдан озод этиш хуқуқига егадир. Бундай холатнинг ўта либерал шакли АҚШ кўзатилади. Ишлаб чиқариш пасайган шароитда ижтимоий дастурлар қисқартирилиб, аҳолини муҳтож қатлами, аввало хотин-қизлар, ёшлар ва қарияларга ижтимоий ҳимоя камайтирилади.

Консерватив (корпоратив) модел ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга мамлакатлар ҳисобланган Австрия, Германия, Италия, Франция каби мамлакатларга хосдир. Бу моделда давлатнинг мавқеи юқори:

<sup>6</sup> Ламбаева И.А. Социальная работа за рубежом. Учебное пособие. Улан-Удэ: Издательство ВСГТУ, 2000. 110 с.

ижтимоий соҳа харажатларига бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳамда ходимлар ва иш берувчиларнинг суғурта бадаллари ажратмалари миқдори деярли тенг ҳисобланади. Қайта тақсимлашнинг асосий йўналишлари давлат ихтиёрида ёхуд унинг назорати бўлади. Давлат фуқароларнинг моддий кўллаб-қувватлаш вазифасини суғурта тизимиға орқали амалга оширади. Шу сабаб ижтимоий нафақалар миқдори меҳнатдан олинган даромад ва суғурта бадаллари миқдорига боғлик бўлади. Ишсизлик юз берган холда кафолатланган тўловлар меҳнат стажига, тўловлар муддати эса суғурта бадаллари тўлашнинг давомийлиги, уларнинг миқдори ва ходимнинг ёшига боғлик бўлади. Ишсизлик нафақаси 50 ёшдан катта фуқароларга тўланади.

Социал-демократик (солидар) моделда ахолини ижтимоий химоясида давлатнинг иштироки муҳимдир. Ахоли даромадини тенглаштириш ва уни бандлигини таъминлаш ижтимоий сиёсатнинг устувор вазифаси ҳисобланади. Модел Швеция, Норвегия, Финляндия, Дания, Нидерландия ва Швейцарияга хосдир. Иқтисодиётнинг ривожланган давлат сектори – бу ижтимоий соҳани харажатларининг асосий қисми ижтимоий ахамиятга молик обьектларнинг еҳтиёжларини қондиришга йўналтирилади. Миллий маҳсулот ахолининг кам таъминланган табақалари фойдасига қайта тақсимланади. Бунинг учун солиқ тортиш даражаси жуда юқори белгиланади. Швеция ЯИМда давлат харажатларнинг улуши 66 фоиз, Данияда 61 фоиз, Финляндияда 56 фоизни ташкил этади. Ушбу моделнинг ўзига хос хусусиятларига ишсизлик даражасини имкон қадар камайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

## **Бахс мунозаралар учун саволлар**

1. Пенсия тизимининг ривожланиш тарихини тушунтиринг?
2. Пенсия моделларини тушунтиринг ҳамда Ўзбекистонда кўлланилаётган модел қандай?
3. Бисмарк ва Беверидж моделларини афзаллик ва камчиликларини санаб беринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. “O’zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo’yicha harakatlar strategiyasi to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagи PF-4947-sonli Farmoni.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги маърузаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017
8. Allayarov Sh.A., Toshmuxamedova D.A. Davlat pensiya ta'minoti. O'quv qo'llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. – 248 б.
9. Қосимова Г.А., Каримова З.Х. Бюджетдан ташқари фонdlар. Ўқув кўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009. – 202 б.
10. Хайтов А.А., Зиядуллаев М.М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. –Т.: “Адолат”, 2009. – 172 б.
11. Тухтарова М. Пенсионное обеспечение граждан. Справочник для населения. – Т.: «NORMA», 2010. – 360 с.
12. Nicholas Barr, Peter Diamond. Reforming Pensions: A Short Guide 1st Edition. Oxford University Press; 1 edition, UK (November 30, 2009)
13. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. Auerbach Publications. USA, 2008. – Р. 288.

## **2-мавзу. Европа давлатлари пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари (2 соат)**

### **Режа**

1. Европа давлатларида пенсия тизимларининг ривожланиши
2. Германиянинг пенсия таъминоти тизимининг асосий хусусиятлари
3. Реал секторда ходимлар характеристики кўрсаткичлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** пенсия тизими моделлари, Халқаро меҳнат ташкилоти, ижтимоий таъминот, давлат пенсия таъминоти, корпоратив пенсия таъминоти, шахсий пенсия таъминоти, ижтимоий таъминот дастурлари

### **1. Европа давлатларида пенсия тизимларининг ривожланиши**

Ҳар қандай давлатнинг энг муҳим мажбуриятларидан бири ўз фуқаролари учун уларнинг меҳнат давридан кейин муносаб кексаликни таъминлаш ҳисобланади. Бу функцияни бажариш учун давлат меҳнатга лаёқатсиз аҳоли қатламига (қариллик, ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик бўйича) ижтимоий шаклга эга бўлган пенсия деб номланувчи пул тўловларини тўлаб боради.

Ҳозирги пайтда дунёда пенсия тизими тарихи XVIII-XIX асрлардан, давлат хизматчиларининг алоҳида камсонли гурухларининг давлат пенсия таъминотидан, мамлакатнинг барча фуқароларини қамраб олувчи пенсия механизмига ўтиш давридан бошлаб ўрганилади. Бунда айниқса Европа мамлакатлари – Франция, Буюк Британия ва Германиялар илғор саналади. Илк кенг кўламли пенсия тизими канслер Отто Фон Бисмарк ислоҳотлари туфайли пайдо бўлган У секин аста амалиётга тадбиқ этилиб, аввалига беморлар ва ногиронларни молиявий кўллаб-қувватлашни (1884 й), кейинчалик эса умумий пенсия таъминотини кўзда тутган. Америка Қўшма Штатлари (АҚШ)да эса бундай тизим анча кечроқ, яъни 1935-йилда Рузвелт томонидан “Ижтимоий ҳимоя акти” имзоланганидан кейин, Буюк Британияда 1908-йилда, Францияда эса 1910-йилда ташкил этилган.<sup>7</sup>

Биринчи, хусусий секторда банд бўлганларни давлат томонидан ёшга доир пенсия билан таъминлаш тизими 1889-йилда Германияда ташкил этилган. Бу ишга Германияликлар ижтимоий суғурталашни мажбурий бадалларга асослаган ҳолда ёндошганлар. Иш берувчилар ва ишчилар уни молиялашириш учун маблағлар ажратиши яъни бадаллар тўлаши лозим бўлган. Германияда амалга киритилган тизим фаолияти, гилдиялар ва ишчилар бирлашмалари ташкил етган ихтиёрий ўзаро ёрдам фондларининг амалиётига таянган эди. Янги тизимдаги пенсия хуқуқи аввал тўланган бадалларга асосланган. 1891-йилда Дания ва 1898-йилда Янги Зеландия муҳтож аҳоли қатламига мақсадли ёрдам беришга йўналтирилган пенсия тизимини амалга киритди. Бу тизим умумий солик даромадлари ҳисобига молиялаштирилиб, еҳтиёжларни аниқлашни мўлжалланган ва тўловларнинг қатъий миқдорини кафолатлаган. Бу тизимлар кўпроқ муҳтож аҳоли қатламига оид анъанавий қонунчиликдан келиб чиқкан.

Кейинги йилларда кўпчилик ғарбий Европа мамлакатлари герман модели бўйича пенсия суғуртаси тизимини шакллантирди, англисаксон мамлакатлар (АҚШдан ташқари) ва шимолий Европа давлатлари эса кўпроқ Дания ва Янги Зенландия йўлини танлади. Бу тизимлар турли масалаларни ҳал қилган. Германия модели ишловчиларнинг пенсияга чиққанидан сўнг мавжуд ижтимоий ҳолатини сақлашга мослаштирилган. Дания модели эса (Англияда тадбиқ этилган) – муҳтожликни чеклашга қаратилган.

XX асрда жаҳон давлатлари пенсия тизимларининг аста секин яқинлашуви рўй беради. Суғурта бадалларига асосланган тизимларда аввалги тўловлардан қатъий назар, минимал пенсия кафолатланди. Бюджет даромадидан молиялаштириладиган, барчага тенг бўлган пенсия миқдорига асосланган мамлакатларда эҳтиёжларни аниқлаш назорати бекор қилинди. Буюк Британияда қатъий минимал пенсияларга қўшимча равишда мажбурий ижтимоий суғурта тизими киритилди.

Шу йили Халқаро Мехнат ташкилоти мигрантларнинг хуқуqlарини мустаҳкамлаш мақсадида, қарилик, ногиронлик ва бокувчисини йўқотганлик

<sup>7</sup>К.Э.н. Федотов А.И. История возникновения пенсионных систем в зарубежных странах. 2007.

пенсияларига оид қонунларнинг координацион, яъни, ўзаро мувофиқлаштирилган тизимини яратиш ташаббуси билан чиқади.

Пенсия дастурларининг ўзига хос белгиларидан бири – уларнинг вужудга келиши босқичида сиёсий оммабоплиги эди. Бу тушунарли: пенсияга чикувчи ишчилар ўтган меҳнат стажи давомида, уларнинг пенсия тўловларини таъминловчи бадалларни тўлиқ миқдорда тўлашмаган. Уларнинг пенсия тўловлари оғирлиги келгуси ишчилар авлоди зиммасига тушган. Бироқ қариялар улуши кам бўлган ёш индустрисал жамият учун бу жиддий муаммога сабаб бўлмаган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида деярли барча индустрисал давлатлар ўз пенсия таъминоти тизимига эга бўлсада, уларнинг қўпчилигида пенсия тизими ва пенсия тўловлари билан таъминланган аҳоли улуши чегараланган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йиллик, қўплаб ривожланган давлатларда қопланиш даражасининг ошиши ва пенсия тўловларининг оммалашуви даври бўлди.

Жаҳон тажрибасини таҳлил қилсак, XIX–XX асрларда турли пенсия таъминоти моделлари акс етган иккита базавий назарий-услубий ёндошувлар шаклланган.<sup>8</sup>

Биринчиси, давлат пенсия тизими иштирокчиларининг даромадини минимал даражада таъминлашни кафолатлаш заруратига қаратилган бўлса, иккинчиси, суғурталанган ишчининг даромадини, унинг иш ҳақининг маълум бир қисмини резервлаб қўйиш хисобига, пенсиядан олдинги даромади билан солишириб, ўша даражада сақлаб қолишини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу ёндошувлар асоси қуйидаги пенсия тизими моделларидан иборат (1-расм). Улар турли йилларда шаклланган О.Бисмарк ва У.Беверидж тамойиллари асосида қурилган.



**1-расм. Пенсия тизими моделлари**

Бисмарк модели, “авлодлар бирдамлиги” тамойили асосида қурилган бўлиб, биринчи марта 1889-йилда Германияда жорий қилинган. Унинг негизи – тақсимловчи механизмга асосланган: ишловчи фуқоро (бўлажак

<sup>8</sup> М.М. Аранжереев, И.Ю. Орлова "Негосударственные пенсионные фонды", М., 2012.

пенсионер)лардан келиб тушувчи барча жорий түловлар яни бадаллар, “бугунги” пенсионерларнинг пенсия таъминоти түловлари учун сарфланади.

Бисмарк концепсияси кўплаб дунё мамлакатлари томонидан амалиётда кўллаб қўвватланган. Унга кўра пенсия бадаллари кўринишида фондга тўланувчи пул маблағлари, фонд мулки сифатида, тасдиқланган “Фонд мулкини жойлаштириш йўналишлари нормативлари”га мувофиқ инвестицион лойиҳаларга жойлаштирилади. Инвестициядан келган фойда, фонднинг пенсия кўринишидаги тўловларини тўлаш манбаси бўлиб ҳисобланади. Бу модел ҳалигача кўплаб давлатларда амал қиласди (2-расм). Бисмарк модели доирасида қўшимча пенсия таъминоти режимлари мавжуд бўлиб, улар жамғариш тамойилларига асосланган, бироқ улар унчалик ҳам ривожланмаган. Пенсия йиғиндиси ўртача иш ҳақининг 70 фоизини ташкил қиласди.



## 2-расм. Пенсия тизими Бисмарк моделига асосланган давлатлар

Бисмарк модели хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

Мақсади – мажбурий пенсия суғуртаси ёрдамида ишловчининг ҳаёт даражаси ва сифатини сақлаш (қоплаш коеффициенти 60-70%);

Тизимни молиялаштиришда ишловчи иштирокининг юқори даражадалиги;

- Ихтиёрий пенсия режаларининг мавжудлиги (қоплаш коеффициенти 10-20%);

- Умумий қоплаш коеффициенти 90%;

- ЯИМ даги иш ҳақи ҳажми 45-50% атрофига;

- Мажбурий пенсия суғуртасига резервланадиган маблағлар улушининг юқорилиги (ЯИМ 10-15 фоиз);

- Кўшимча (нодавлат) корпоротив пенсия суғуртаси (ЯИМ 2-3 фоиз).

Пенсия тизимида давлатнинг роли минималлаштирилган.

Беверидж модели давлат томонидан барча аҳоли учун олдиндан белгиланган ва минимал пенсия билан таъминлашни назарда тутади. Ушбу тизим доирасида давлатлар орасидаги фарқ асосан минимал пенсия миқдори суммасида бўлиши мумкин. Тизимни молиялаштириш манбаси маҳсус “ижтимоий” солиқ ҳисобланади. Бироқ, базавий пенсия миқдори меҳнат

фаолияти даври мобайнида эришилган ҳаёт даражасига умуман мос келмаслиги сабабли, қўшимча пенсия таъминоти турлари кенг тарқалган. Беверидж “Кўшимча пенсия дастурлари доимо жамғариш тамойили асосида курилади, бироқ барча мамлакатлар учун ягона “хусусий пенсия фондлари” модели мавжуд эмас” деб ҳисоблаган.

Беверидж модели 1942-йилда Англияда ижтимоий ҳимоя тизими кўринишида ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Бугунги кунда Буюк Британия пенсия тизими давлат суғуртаси, профессионал (корпоратив) ва шахсий пенсияларни ўз ичига олади. Профессионал ва шахсий пенсиялар мажбурий эмас. Улар жамғариш тамойилига асосланган, қўшимча пенсия таъминоти дастурлари ҳисобига шаклланади. Профессионал пенсиялар иш берувчилар томонидан тайинланади, ташкилотлар пулларни пенсия фондларига ўтқазишади, йиғилган пуллар қўшимча пенсия сифатида тўланади.

Беверидж модели хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Барча пенсия ёшидаги аҳолини қамраб олиб, бир хил пенсия миқдоридаги таъминотни кафолатлайди;
- Кафолатланган қоплаш миқдори иш ҳақидан 18-20%;
- Кўшимча корпоратив пенсия суғуртасининг кафолатланган қоплаш миқдори 35-45%;
- Умумий қоплаш коефициенти 50-60%;
- Иш ҳақининг ЯИМ даги юқори ҳажми (60-65% атрофида);
- Мажбурий пенсия суғуртасига резервланадиган маблағлар қисмининг ўртачалиги (иш ҳақи миқдоридан қарийб 12-14%, ёки ЯИМдан 6-7%);
- Кўшимча (нодавлат) корпоратив пенсия суғуртаси (ЯИМ 3-4%).

Пенсия тизимида давлатнинг роли максималлаштирилган.

Қуйидаги давлатлар пенсия тизимида Беверидж модели ишлатилади.



### 3-расм. Пенсия тизими Беверидж моделига асосланган давлатлар

Барча ижтимоий суғурта дастурлари каби, қариганда пенсия билан таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва стимулларга таъсир ортасидаги балансни топишни тақазо этади. Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар қариялар

гурухини мұхтожлиқдан ва яшаш даражасининг кескин пасайишидан ҳимоя қиласады.


## **2. Германиянинг пенсия таъминоти тизимиңнинг асосий хусисиятлари**

Ғарб олимларининг фикрича, табиий туғилиш камайиши ва умр күриш ёшининг ортиши аҳолининг қаришига сабаб бўлиб, меҳнат бозорига салбий таъсир қўрсатади. Шунинг учун пенсияга чиқиш ёшининг босқичма-босқич меъёрда оширилиши пенсия фондлари маблағларини барқарор ривожланишга олиб келиши мумкинлиги таъкидланади.

Қолаверса, ривожланган мамлакатларда аҳолининг ўртача умр күриш ёшининг ошиши ва туғилишнинг камайиши демографик масалалар қаторидан чиқиб тобора иқтисодий муаммога айланиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда бир нафар 65 ёшдан ошган пенсионер фуқарога 4-5 нафар меҳнатга лаёқатли аҳоли нисбати тўғри келган бўлса, 2020-2025 йилларга бориб айрим Европа мамлакатларида уларнинг ўртасидаги нисбат 1:2.5 бўлиши кутилмоқда. Мазкур ҳолат пенсия таъминотига оид харажатларни ўсиши пировардида яқин келажакда барқарор молиялаштириш учун қўшимча молиявий манбаларини излаб топишни ва давлат пенсия таъминоти самарадорлигини такомиллаштиришни тақозо этади.

Башоратларга кўра, яқин 40 йил ичидаги 20 ёшгача ва меҳнат ёшидаги аҳоли сони мунтазам камайиб боради, пенсионерлар сони яна 10 фоизга ортади. Европа иттифоқидаги мамлакатларда эса 2020 йилга келиб, ҳар бир пенсионерга ўртача 3 та ишловчи тўғри келади.

Демак, бугунги кун ишчиларининг пенсияда муносиб ҳаёт кечиришлари учун ҳозирдан қулай шароитлар яратиш ва пенсия тизимида муносиб ислоҳотлар ўтказиш зарурати жуда мухим ҳисобланади.



**4-расм. Германия пенсия тизими тузилиши**

Германия пенсия тизими Европадаги энг самарали тизимлардан бири хисобланади. “HelpAge” – дунё мамлакатларида қарияларнинг ҳаёт даражаси рейтинги бўйича эса Германия фахрли учинчи ўринни эгаллайди. Германия пенсия тизимининг асосий тамойили бу “авлодлар бирдамлиги” (солидар) тамойилидир. Германия ўз фуқароларининг қариганида қўллаб-қувватлаш чораларини XIX асрнинг охирида бошлаган. Бугун Германия пенсия тизими, барча манфаатдор томонлар яъни, давлат, иш берувчилар, молиявий институтлар ва фуқароларнинг қизиқишиларини инобатга ололган тизимлардан биридир.

Германияда пенсия таъминоти (ёки сұғуртаси) уч хил кўринишда тақдим этилади: давлат, корпоратив ва шахсий (4-расм).

Давлат пенсия сұғуртаси ойлик даромади солиқлар хисоблангунга қадар 3900 еврода ошмайдиган фуқаролар учун мажбурий. Ойлик иш ҳақидан ажратмалар ставкаси эса 19,5% бўлиб, иш берувчи ва ишловчи ўртасида тенг микдорда тақсимланган. Бу пенсия иш стажи ва профессионал тариф сеткасидан келиб чиқиб хисобланади. Пенсия таъминотининг бу қисми қайта тақсимлаш асосида қурилган.

Корпоратив пенсиялар фуқаро ишлаган корхона ва ташкилот томонидан (агарда ушбу ташкилотда корпоратив пенсия тизими йўлга қўйилган бўлса) тақдим этилади. Германиянинг йирик компаниялари ўз ишчиларини қариганда пенсия билан таъминлайди. Бунда пенсия микдори компанияларнинг даромади, ишчининг иш стажи ва меҳнат лавозимига боғлиқ. Масалан, юқори малакали мутахассис ойига 600 европача, оддий ишчилар эса 100-200 европача корпоратив пенсия олиши мумкин.

Ойлик даромади 3900 еврода ошадиган фуқаролар эса давлат пенсия сұғуртасидан воз кечиб, шахсий пенсия тизимларида иштирок этишлари мумкин. Бу тизимда шунингдек, иқтисодий мустақилликга эга бўлган фуқаролар, масалан, фермерлар, тадбиркорлар ва ижод билан шуғулланувчилар ҳам иштирок этадилар. Бу пенсия тизими буғунги кунда Германияда катта оммабопликка эришмоқда. Чунки, германияликларнинг банкларга бўлган ишончи юқори ва улар давлат ижтимоий дастурларига қарам бўлиб қолишини исташмайди.

Пенсияга чиқиши ёши аёллар учун ҳам эркаклар учун 65 ёш этиб белгиланган. Пенсия олиш хуқуқини берувчи минимал иш стажи 5 йил. Давлат пенсияларининг уч тури мавжуд. Булар: а) қариллик (ёшга доир) пенсияси, б) боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва с) қисман ёки бутунлай меҳнат лаёқатини йўқотганлик (ногиронлик) пенсияси.

Германия пенсионерларининг ўртача пенсия микдори эркаклар учун 1050 евро ва аёллар учун 700 еврони ташкил этади. Бироқ мамлакатда 300 еврода камроқ пенсия олувчилар ҳам мавжуд бўлиб, улар учун хукумат томонидан ижтимоий тўловлар ажратилади.

Германия пенсия тизимининг ўзига хослиги ва авзаллиги шундаки, бўлажак пенсионер мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичлар, инфляция ва ҳатто валюта туридан ҳам ҳимояланган. Мамлакат пул бирлиги ўзгарса

ҳам, пенсионернинг меҳнат фаолияти коефициентларда баҳоланганлиги учун бу нарса унинг пенсиясига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

Юқорида келтирилган демографик муаммолар Германияга ҳам таъсир кўрсатиб, натижада мамлакатда яқин 30 йилга мўлжалланган ислоҳотлар бошлаб юборилган. Уларнинг негизини давлат пенсия таъминоти билан бир қаторда келажак ҳақида қайғуришда фуқароларнинг шахсий ролини янада ошириш тамойили ташкил этади. Шунингдек, 2030-йилга келиб, пенсия фондига тўланувчи суғурта бадаллари 22фоизга оширилади, ўртача пенсия микдори эса иш ҳақининг 43,7 фоизигача пасайтирилади. Пенсия ёшини эса 67 ёшга кўтариш кўзда тутилган.

### **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Европа давлатлари пенсия тизимининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
2. Бисмарк пенсия моделининг Германияда ишлаш механизми ҳақида тушунтиринг.
3. Беверидж пенсия моделининг Буюк Британияда яралиши ва унинг ҳозирги кунда ишлаш механизмини тушунтиринг.
4. Европа давлатларидағи ижтимоий дастурлар ҳақида нималарни биласиз?
5. Европа пенсия тизими тажрибасининг айнан қайси жиҳатларини Ўзбекистонда қўллаш мумкин?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017
7. Allayarov Sh.A., Toshmuxamedova D.A. Davlat pensiya ta'minoti. O'quv qo'llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. – 248 b.

8. Хайтов А.А., Зиядуллаев М.М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. –Т.: “Адолат”, 2009. – 172 б.
9. Тухтарова М. Пенсионное обеспечение граждан. Справочник для населения. – Т.: «NORMA», 2010. – 360 с.
10. Nicholas Barr, Peter Diamond. Reforming Pensions: A Short Guide 1st Edition. Oxford University Press; 1 edition, UK (November 30, 2009)
11. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. Auerbach Publications. USA, 2008. – Р. 288.

### **3-мавзу. Тараккӣ этган мамлакатларнинг пенсия тизимлари (4 соат)**

**Режа:**

1. АҚШ пенсия таъминоти тизими
2. Чили ва Аргентина пенсия тизими ислоҳотлари

**Таяинч сўз ва иборалар:** АҚШ пенсия таъминоти тизими, Канада пенсия таъминоти тизими, ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннахии, сотишдан олинган фойда, рентабеллик кўрсаткичлари, Лотин Америкаси пенсия таъминоти тизими, Чили пенсия таъминоти тизими, суғурталанган шахслар.

#### **1. АҚШ пенсия таъминоти тизими**

Америка Қўшма Штатлари (АҚШ) пенсия таъминоти тизими идеал бўлмасада, дунёдаги енг мукаммал тизимлардан бири ҳисобланади. Пенсия миқдорлари еса Йевропа мамлакатларининг ўртача пенсия миқдоридан юқори.

“HelpAge” рейтингида АҚШ саккизинчи ўринни эгаллайди.


АҚШ пенсия тизими тақсимловчи ва жамғарилувчи тамойиллар асосида ишловчи давлат ва хусусий пенсия тизимларидан иборат (1-расм). Шунинг эвазига америкаликлар ўзларини бир эмас учта, яъни давлат, хусусий корпоратив ва шахсий индивидуал пенсиялар билан таъминлаши мумкин.

Давлат пенсия фондига тўловлар қўйидаги миқдорларда тўланади:

- Ишчининг йиллик даромади 65400\$ гача бўлса – 7,65 фоиз. Бу солиқ икки қисмдан иборат: 6,20 фоиз - қариялар, бевалар, етимлар ва ногиронларни пенсия билан таъминлаш учун мажбурий суғурта - “Retirement, survivors and disability insurance”; 1,45 фоиз - қарияларни тиббий таъминлаш учун солиқ - “Hospital Insurance”.
- 65400\$ дан ортиқ миқдордаги йиллик даромаддан фақат “Hospital Insurance” солиги (1,45%) ундирилади. Албаттa бундай катта даромадли шахслар сони унча кўп эмас.

– Иш берувчилар ҳам давлатга ишчилар билан тенг миқдорда яъни 7,65% солиқ тўлайди; шундай қилиб, тўланган иш ҳақининг ҳар 100\$ ига Умумий федерал дастурга 15 \$ га яқин солиқ келиб тушади.

– Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланадиган, яъни иш берувчига эга бўлмаган шахслар пенсия солиғининг иккала қисмини, яъни жами 15,3 фоизни тўлайди.



**1 - расм. АҚШ пенсия тизими тузилиши**

Давлат пенсия тизимида пенсионерлар ҳозирда ишлаётган ва муайян пенсия фондларига бадаллар тўлаётган ишчилар хисобига таъминланади (1-жадвал). АҚШнинг “Умумий федерал дастур” (Social Security) деб номланган ва иқтисодиётнинг хусусий секторида банд бўлганларнинг деярли барчасини қамраб олган йирик давлат пенсия тизими қайта тақсимлаш тамоилии асосида қурилган. Дастур 1935-йилги “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги Қонунга кўра амал қиласи ва мамлакатда минимал пенсия таъминотини кафолатлади.

#### 1-жадвал

#### АҚШ “Умумий федерал дастур”ини молиялаштириш

| Йиллар | Солиқ олинувчи максимал иш ҳақи<br>(минг.доллар йилига) | Суғурта бадали нормаси<br>(%), иш берувчи ва ишчидан алоҳида |
|--------|---|--|
| 1937   | 3,0   | 1,0  |
| 1970   | 7,8   | 4,2  |
| 2000   | 76,2  | 6,2  |
| 2014   | 117,0   | 6,2  |

Жамғариш тамойили асосида ишловчи давлат пенсия таъминоти мамлакат ҳукуматининг амалдорлари ва ҳарбий хизматчиларни қамраб олади.

Корпоратив пенсия олиш ҳуқуқи ҳодимнинг компаниядаги иш стажи 5-10 йил бўлганида пайдо бўлади.

Жамғаришга асосланган пенсия дастурларининг икки тури мавжуд:

Белгиланган тўловлар бўйича (“defined benefit plan”);

Белгиланган бадаллар бўйича (“defined contribution plan”).

Белгиланган тўловлар дастури бўйича жамғармалар - иш берувчиларнинг ажратмалари орқали молиялаштирилади, ишловчилар бу фондларга бадаллар тўламайди.

Белгиланган бадаллар дастури бўйича жамғармалар еса иш берувчилар ва ишчилар томонидан тенг миқдордаги ажратмалар ўтказиш орқали шакллантирилади.

Ҳар бир америкалик тижорат ва омонат банкларида ўзининг шахсий пенсия ҳисоб рақами (IRA-individual retirement account)ни очиш ҳуқуқига ега. Шахсий пенсия ҳисоб рақамларига ўтказиладиган йиллик бадалларнинг юқори чегараси 2000\$ миқдорида белгиланган. Ҳисоб рақамдаги маблағларни 59,5 ёшга етгунга қадар йециш мумкин емас, 79,5 ёшдан кейин еса ҳисоб мажбурий тартибда ёпилади.

Пенсия олиш ҳуқуқи 65,5 ёшда пайдо бўлиб, талаб қилинувчи минимал иш стажи 10 йилни ташкил етади. АҚШда ўртача давлат пенсияси миқдори ойига 1100\$-1200\$ ни ташкил етади.

Бугунга келиб, ўртача умр кўриш ёшининг узайиши натижасида, АҚШ ҳукумати пенсия ёшини босқичма босқич 67 ёшга кўтариш ишларини бошлади.

Ушбу тизим **1935**-йилда жорий қилинган бўлиб, унинг харажатларини қоплаш манбаи миллий суғурта фонди ҳисобланади. Мазкур фонд мамлакат федерал бюджети таркибига киради. Қарилик пенсияси **65** ёшдан бошлаб тўлана бошлайди. Пенсия тайинлаш учун **40** квартал ёки **10** йилга тенг бўлган, суғурта бадаллари тўланган минимал стаж талаб қилинади. Пенсия миқдори **22** ёшдан **62** ёшгacha бўлган даврдаги ўртача даромад миқдоридан ҳисоблаб чиқилади. Бунда энг кам даромад олинган **5** йил чегириб ташланади.<sup>9</sup>

АҚШ да Федерал ҳукумат хизматчилари **65.400** долларгача бўлган миқдордаги йиллик даромадга эга бўлган шаҳслар **7,65** фоиздан иборат ставка бўйича «Пенсия солиғи» ни тўлайдилар. Бу солик икки қисмда иборат: **6.20%** - пенсия солиғи бўлиб, қариялар, бевалар, йетимлар ва ногиронларни пенсия билан таъминлаш учун мажбурий суғурта бадали сифатида ундирилади. Қолган **1,45%** қисми қарияларни тиббий таъминлаш учун солик сифатида ундирилади.

АҚШ Конгресси аъзолари Конгресс пенсия тизими доирасида, Конгрессда беш йил ишлаганидан кейин енг кўп маошли кетма-кет келган уч

<sup>9</sup> Michael Sherraden. Inclusion in the American Dream: Assets, Poverty, and Public Policy. 13 chapter. P. 285

йил учун ўртача йиллик маошнинг **8,5%** микдорида пенсия олишлари мумкин. Стаж **20** йил бўлса, конгрессмен **50** ёшида пенсияга чиқиши ва юқорида кўрсатилган маошнинг **34%** микдорида пенсия олиши, агар стаж **25** йил бўлган тақдирда исталган ёшда пенсияга чиқиши мумкин. Бу ҳолда пенсия маошнинг **39%** ни ташкил этади.

Хусусий сектор ходимларининг ижтимоий суғурта тизими бўйича пенсия таъминоти конгрессменлар ва федерал хизматчиларнинг ижтимоий суғурта тизими бўйича пенсия таъминоти билан бир хил шартларда амалга оширилади. Хусусий тармоқлардаги ишловчиларнинг иш стажи **5** йил бўлса, ходим **65** ёшда, иш стажи **10** йил бўлса, **55** ёшда пенсияга чиқиши мумкин. **65** ёшгacha пенсияга чиқилган тақдирда, пенсияга чиқиш ва **65** ёшга тўлиш оралиғидаги даврнинг ҳар бир йили учун пенсия **4 %** га камайиб боради. Пенсияни ҳисоблаш учун асос сифатида енг кўп маошли кетма-кет келган беш йилда олинган ўртача йиллик маошдан фойдаланилади<sup>10</sup>.

АҚШдаги инвестиция жараёнида Пенсия фондининг ҳал қилувчи роли мавжуд. Йигирманчи асрнинг бошларида, даставвал йирик корпорациялар ва фирмалар томонидан ташкил қилинган илк хайрия фондлари пайдо бўлди. Мазкур хайрия фондлари ва лойиҳалар қуидаги шаклларда қўллаб-кувватланди: субвенциялар, грантлар, субсидиялар ажратиш, бюджет кредитини бериш, бюджетдан молиялаштириш. Жаҳон молиявий инқирози шароитида молиявий тизимни ижтимоий ва иқтисодий фондлар мажмусиз тавсифлаб бўлмайди, уларнинг аксарияти ижтимоий соҳанинг устувор йўналишларда муҳим ўрин тутади.

Кейинги йилларда АҚШ да ижтимоий дастурларнинг амалга ошириш учун турли даражада бошқариладиган кўп сонли ижтимоий фондлар фаолият кўрсатади. Булардан учта энг йирик фондларни кўрсатиш мумкин. «Қарилекни, ногиронликни ва боқувчини йўқотганда суғрталаш фонди», «Давлат хизматчиларини суғрталаш фонди», «Мухтожларга ёрдам фонди» мавжуд. Фан-техникани янада тарақкий этиши натижасида, саноатда илмий тадқиқотларни қўллаб-кувватловчи ва шу йўналишдаги турли тадқиқотларни амалга оширувчи давлат илмий марказларини таъминлашга йўналтирилган илмий тадқиқот жамғармалари ташкил қилиш зарурияти туғилди.

## 2. Чили ва Аргентина пенсия тизими ислоҳотлари

Чили пенсия ислоҳотлари модели пенсияларни молиялаштиришнинг энг яхши усули сифатида эътироф этилади. Чили модели мисолида лотин американисидаги аксарият давлатларда, хусусан, Аргентина, Перу ва Колумбия пенсия суртаси тизими ислоҳ қилинган.

Чилида пенсия тизими ислоҳоти 1981 йилда А.Пиночет бошқаруви даврида амалга оширилган. Чили тажрибасидан фойдаланиш масаласини муҳокама қилаётганда, Чилида ислоҳотлар иқтисодиётнинг жонланиш даврида амалга оширилганлигини инобатга олиш зарур. Қулай иқтисодий

<sup>10</sup> Brady, Peter, Kimberly Burham, and Sarah Holden. 2012. The Success of the U.S. Retirement System (December). Washington, DC: Investment Company Institute.

шароитлар хукуматга пенсия ислоҳотларини саҳийлик билан молиялаштириш имконини берди.

Чили фонд бозори ривожланиши ҳам шу даврга тўғри келди ва пенсия фонdlари рентабеллиги юқори даражада бўлишига сабаб бўлди.

Ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширилишинг муҳим омили қулай демографик ҳолат ҳисобланади. Чилида аҳолининг 8% пенсия ёшида (Россияда - 16%) бўлиб, битта пенсионерга 12,8 банд аҳоли тўғри келар эди.

Чили ислоҳотининг ўзига хос жиҳати шундаки, аввалги тизимда мавжуд бўлган орттирилган пенсия ҳуқуқи ўрнига, кафолатланган давлат тўловлари ва ўша вактда тузилган бир неча хусусий рақобатчи компаниялар ходимлари учун мажбурий жамғариладиган суғурта тизими жорий этилди.

Янги тизимнинг моҳияти ёлланиб ишлайдиган шахсларни мажбурий суғурта қилишдан иборат. Ходимлар ойлик иш ҳақларининг 10%ни кўрсатилган компаниялар (фонdlар)га тўлайдилар. Эркаклар 65 ёшгача ва аёллар 60 ёшгача мажбурий суғурта қилинадилар.

Суғурталangan шахслар танлаган фонdlарини ўзгартириш ҳуқуқига егалар, бунда улар жамғарилган капиталга бўлган ҳуқуқларини ҳам олиб кетадилар. Тадбиркорлар (ўзини-ўзи банд қилганлар) мазкур фонdlарда ихтиёрий равишда суғуртадан ўтишлари мумкин.

Пенсия таъминотига қўшимча равишда ходимлар ногирон бўлиб қолиш ва боқувчисини йўқотиш ҳолатлари учун ҳам суғурталанишлари керак, бунга ойлик иш ҳақининг 3% ўтказилади.

Суғурталangan шахс пенсия ёшига етганда танлаш имкониятига эга бўлади. У жамғарилган капиталдан суғурта компаниясидан умрбод хусусий пенсия олиш учун фойдаланиши, ёки компания билан “дастурлаштирилган тарзда пулни ҳисобдан ечиш”га келишиб, жамғарилган маблағларнинг муайян қисмини муайян муддат ичидаги олишлари мумкин. Суғурталangan шахс, шунингдек, бир йўла (бир вақтнинг ўзида) пулларини олиши ҳам мумкин, фақат бунда унинг ҳисобида қолган пул базавий миқдорнинг 120%дан ва сўнгги (пенсияга чиқишдан аввалги) даромадининг 70%дан кам бўлмаган миқдорда пенсия олиш учун етарли бўлиши керак.

## **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. АҚШ пенсия таъминоти тизимининг ўзига хос хусусиятларини айтинг.
2. АҚШдаги ижтимоий дастурлар ҳақида нималар биласиз?
3. Лотин Америкаси давлатлари пенсия тизимларининг ўзига хос хусусиятлари.
4. Чили пенсия тизими, пенсия турлари ҳамда ўртача пенсия миқдори ҳақида айтинг.
5. Аргентина пенсия тизими ҳақида тушунтиринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017
7. Allayarov Sh.A., Toshmuxamedova D.A. Davlat pensiya ta'minoti. O'quv qo'llanma. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. – 248 b.
8. Хайтов А.А., Зиядуллаев М.М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. – Т.: “Адолат”, 2009. – 172 б.
9. Тухтарова М. Пенсионное обеспечение граждан. Справочник для населения. – Т.: «NORMA», 2010. – 360 с.
10. Nicholas Barr, Peter Diamond. Reforming Pensions: A Short Guide 1st Edition. Oxford University Press; 1 edition, UK (November 30, 2009)
1. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. Auerbach Publications. USA, 2008. – P. 288.

### **4-мавзу. Осиё мамлакатларининг пенсия тизимлари (2 соат)**

1. Япония ва Жанубий Корея давлат пенсия тизимининг умумий ҳусусиятлари
2. Хитой пенсия тизими

**Таянч сўз ва иборалар:** Япония пенсия таъминоти тизими, ижтимоий суғурта, Жанубий Корея пенсия таъминоти тизими,

#### **1. Япония ва Жанубий Корея давлат пенсия тизимининг умумий ҳусусиятлари**

Японияда амал қилувчи пенсия таъминоти модели Буюк Британия, Австралия ва қатор Шимолий Европа мамлакатларига ҳам ҳосдир. Бу моделда давлат ижтимоий таъминоти устувор ўринга эга бўлиб,

молиялаштириш бюджет ҳисобидан амалга оширилади. Бошқа ижтимоий ҳимоя институтлари етарли даражада ривожланган бўлсада, фақатгина кўшимча тизимлар ролини бажаради.

1970 йилда Япониянинг 65 ёшдан ошган аҳолиси 7%дан ошарди, шу сабабли БМТ Японияни “қариётган” мамлакат сифатида эътироф этган. 1990 йилга келиб пенсионерлар сони 14,9 миллионга етди, яъни аҳолининг 12%ни ташкил қилди. Прогнозларга мувофиқ, мазкур тенденция 2020 йилгача сақланиб туради ва у пайтга келиб 65 ёшдан ошган аҳоли 25,5%ни ташкил қиласди.

Бундай демографик вазиятда пенсия тўлаш ҳаражатларининг ўсиши табиий ҳолдир. Фақат 1994 йилнинг ўзида 1993 йилга нисбатан пенсия ҳаражатлари 7,9%га ошиди ва 37,3058 енни ташкил қиласди (ижтимоий таъминот соҳасига ажратилган жами ҳаражатларнинг 60%ни ташкил қиласди). Ижтимоий соҳага йўналтирилган ҳаражатлар юки оғирлашиб, пенсия тизимида ислоҳотларни амалга ошириш масаласининг долзарблиги янада ошиб борди.

Японияда сўннги пенсия тизими ислоҳоти 1985 йилда амалга оширилган. Мазкур ислоҳот факат 1926 йил 2 апрелдан кейин туғилган шахсларни қамраб олди. Ислоҳотнинг асосий натижаси базавий пенсияларни жорий қилиниши бўлди. Ҳозирда Японияда 2 босқичли пенсия тизими амал қиласди. Биринчи босқични базавий пенсиялар ташкил қиласа, иккинчи босқични давлат ва профессионал пенсиялар ташкил қиласди.

1986 йил 1 апрелдан миллати, жинси, фаолият тури, даромадлари даражаси ва бошқа омиллардан қатъи назар барча шахслар қарилек, ногиронлик ва бокувчисини йўқотганлиги бўйича базавий пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Қарилек бўйича пенсия тўлаш ҳуқуқи 2 шартга асосан аниқланади – қонунда белгиланган 65 ёшга этиш ва сугурта стажига эга бўлиш.

Ўзгарувчан (мослашувчан) пенсия ёши механизми ҳам қўлланилиб, унга кўра 60-64 ёшли фуқаролар пенсияга кетганда уни қисқартирилган ҳажмда оладилар. 65 ёшдан кейин ишлашни давом эттирган шахсларнинг пенсиялари ҳар йили оширилади.

Сугурта стажи деганда мажбурий пенсия бадалини тўлаш давомийлиги тушунилади. Сугурта стажини ҳисоблаганда фуқаро амалда мажбурий пенсия бадалини тўлаб борган муддат давомийлиги билан бирга сугурталанган шахс қонунчиликда белгиланган узурли сабабларга кўра бадални тўлашдан озод етилган вақт ҳам инобатга олинади (масалан, вақтинча ишга лаёқатлизлик сабабли). Мажбурий пенсия сугуртасини тўлаётган турмуш ўртоғининг қарамоғида бўлган вақт ҳам сугурта стажига киритилади. Бироқ таъкидлаш жоиз, базавий пенсия миқдори аниқланаётганда амалда тўланган бадаллар муддати тўлиқ ҳажмда инобатга олинади, юқорида келтирилган “тўловдан озод етилган давр”нинг еса фақат 1/3 қисми ҳисобга олинади. Қарилек бўйича пенсия олиш ҳуқуқини берувчи

суғурта стажининг минимал давомийлиги 25 йилга, максимал давомийлиги еса 40 йилга тенг.

Кореяда миллий пенсия тизими 1988 йилда жорий етилган. Шундан бўён бу тизим сезиларли даражада ривожланди ва жаҳондаги 4та енг йирик давлат пенсия фондларидан бири сифатида еътироф етилди. Ҳозирги вақтда аҳолининг 40%и қариялар ва муҳтоҷларни ижтимоий таъминлаш тизими сифатида чуқур илдиз отган КМПТ (Корея миллий пенсия тизими) схемаси бўйича суғурталанган. Шунингдек, Корея статистика қўмитаси тадқиқотларига кўра, КМПТ 1955 ва 1963 йилларда туғилган 38,5% аҳолининг пенсия даромадларининг ягона манбай ҳисобланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига (ИҲТТ) аъзо мамлакатлар орасида Кореяда аҳолининг қариши тез суръатларда ўсиб бормоқда, Кореяда аҳоли қариши тезлиги ҳатто Япониядан баланд ҳисобланади. Корея статистика қўмитаси (КОСТАТ) маълумотларига кўра, 2000 йилда 65 ёшдан юқори аҳоли сони 7,2%ни ташкил қилган, прогнозларга кўра 2020 йилда бу рақам 15,1%ни ташкил қиласи. Аҳолининг тез суръатларда қариб бориши сабабли узоқ умр кўриш риски ошади, яъни ресурслардан бирини юқотиш риски (МасМинн ет ал. 2006; Сталлард 2006). Шундай экан, КМПТ Корея пенсионерларини узоқ умр кўриш рискидан ҳимоя қилишнинг муҳим манбай бўлиб, шунингдек, прогрессив фойда формуласи ёрдамида даромадларни қайта тақсимловчи ижтимоий суғурта тизими ҳисобланади.

Аксарият тадқиқотлар Корея миллий пенсия тизимида даромадларни қайта тақсимлашнинг прогрессив таъсирини аниқладилар (масалан, Ле, 2006; Чунг анд Ле, 2008).

Кореяда 4 та асосий давлат пенсия дастурлари мавжуд: булар, давлат хизматчиларнинг пенсия таъминоти схемаси, харбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти схемаси, хусусий мактаб ўқитувчилари пенсия схемаси ва миллий пенсия тизими (МПТ), таъкидлаш жоиз МПТ иштирокчилар сони ва маблағ ҳажми бўйича енг йириги ҳисобланади. МПТ тарихи 1973 йилдан, яъни президент Парк Чон Хи хокимияти даврида (1962-79) Миллий пенсия таъминоти тизими тўғрисидаги қонуннинг (МПТТҚ) қабул қилиниши билан бошланган. Бироқ, нефт маҳсулотлари нархларининг кескин ўзгариши ва ундан кейин бошланган инқироз каби иқтисодий сабаблар туфайли МПҚнинг амалдаги ижроси 1988 йилгача кечиктирилди. Корея иқтисодиёти тикланганлиги, ва мамлакатда 1980-йилларда демократик харакатлар ташкил этилиб турли конфликтлар юзага келганлиги сабабли, президент Чон Да Хван (1980-1987) МПТТҚни амалга оширилишини тасдиқлади. Ҳукумат дастлабки миллий пенсия қонунини консерватив асосда қайта кўриб чиқди ва 1988 йилда МПТ (НПС) номини олган мажбурий пенсия схемасини жорий етди (Национал Пенсион Сорпоратион, 1998а, пп. 121–123; Янг, 2000, пп. 106–115).

## **2. Хитой пенсия тизими**

Кўплаб мамлакатлар каби Хитой ҳам аҳоли таркибида кекса ёшлиларнинг тез суратларда ўсишига юзлашмоқда. Аслида Хитойда бу борада бошқа мамлакатларга қараганда ўсиш сурати анча тезроқ. 1990-йилларда Хитой аҳолисининг бор йўғи 9 % и 65 ёшдан ошганлар бўлган бўлса, 2030-йилгача бу кўрсаткич икки баробарга ошиши кутилмоқда. Бу ҳолат ўз ўзидан ишчи кучининг йетишмовчилига ва аҳоли репродуктив кўпайиши муаммоларига олиб келади. Бундан ташқари пенсия мажбуриятларининг бунақа тез ошиб бориши пенсия тизимида муаммоларга сабаб бўлмоқда.<sup>11</sup>

Хитой пенсия системаси шаҳар ва қишлоқ кексаларини ҳимоя қилиш ва оммавий иш билан таминалш каби каби учта тизимдан ташкил топган. Хитой пенсия системаси шаҳар ишчилари учун юқори қоплаш коеффициэнтига эга лекин қишлоқ фермерлари учун бу кўрсаткич анча паст. Бунақа икки тизимдаги катта тафовутлар ерсиз фермерларга катта босим юклаяпти. Шунинг учун Хитой ўзининг кенг иқтисодий ва ижтимоий транзаксияларини тамилловчи институционал ёрдам берувчи малум ислоҳотлар ўтказиши лозим.<sup>12</sup>

## **Баҳс мунозаралар учун саволлар**

1. Осий мамлакатлари пенсия тизимларининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
2. Жанубий Кореяда қандай пенсия турлари мавжуд?
3. Японияда пенсия тизимига кексалар сонининг кўрлиги қандай таъсир кўрсатади?
4. Демографик омил Хитой пенсия тизимига таъсирини тушунтиринг.
5. МДҲ мамлакатлари пенсия тизимларининг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22.12.2017

---

<sup>11</sup> Estelle James Consultant. HOW CAN CHINA SOLVE ITS OLD AGE SECURITY PROBLEM? THE INTERACTION BETWEEN PENSION, SOE AND FINANCIAL MARKET REFORM. World Bank To be presented at the Conference on Financial Sector Reform in China. September 11-13, 2001.

<sup>12</sup> Peng Chen. China’s Retirement System: What Does the Future Hold? Chief Executive Officer, Dimensional Fund Advisors Pte. Ltd.

4. Allayarov Sh.A., Toshmuxamedova D.A. Davlat pensiya ta'minoti. O'quv qo'llanma. – T.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2015. – 248 b.
5. Хайтов А.А., Зиядуллаев М.М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. –Т.: “Адолат”, 2009. – 172 б.
6. Nicholas Barr, Peter Diamond. Reforming Pensions: A Short Guide 1st Edition. Oxford University Press; 1 edition, UK (November 30, 2009)
7. Jun Peng. State and Local Pension Fund Management. Auerbach Publications. USA, 2008. – Р. 288.

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

### АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР

Амалий машғулот **мақсади** тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илғор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиласидар.

## **V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

## **БИРИНЧИ НАМУНА.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**Нурмухамедова Б.И., Турсунов Ж.П.**

**“Хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари” ўқув курсининг  
“Жаҳонда пенсия таъминоти тизимларининг шаклланиши ва  
ривожланиши” мавзуси бўйича тайёрланган**

## **КЕЙС- СТАДИ**

**Кейс:** Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар пенсия тизимларини миллий пенсия тизимларини тавсифловчи мезонларга кўра таҳлил қилиш асосида пенсия тизимларининг ҳолатини аниқлаш ва баҳо бериш

**Тошкент – 2018**

## КЕЙС-СТАДИ

### ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

|                         |  |
|-------------------------|--|
| <b>Фан:</b>             | Давлат пенсия таъминоти  |
| <b>Фаннинг мавзуси:</b> | Жаҳонда пенсия таъминоти тизимларининг шаклланиши ва ривожланиши                   |
| <b>Кейснинг номи:</b>   | Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар пенсия тизимларининг қиёсий таҳлили |
| <b>Таълим йўналиши:</b> | “Пенсия иши”   |
| <b>Курс:</b>            | 3-курс   |

**Кейснинг мақсади:** Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар пенсия тизимларини миллий пенсия тизимларини тавсифловчи мезонларга кўра таҳлил қилиш асосида пенсия тизимларининг ҳолатини аниқлаш ва баҳо бериш.

#### **Ўқув фаолияти натижалари:**

- миллий пенсия тизимлари кўрсаткичларини таҳлил этиш ва баҳолаш;
- хорижий давлатлар пенсия тизимларининг ўхшашлик ва фарқларини ажратиш ва баҳо бериш;
- илгор хорижий тажрибаларни миллий пенсия тизимиға татбиқ этиш бўйича мустақил тарзда қарор қабул қилиш.

#### **Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун қўйидаги билимларга эга бўлишлари лозим:**

- жаҳон мамлакатларида пенсия таъминотининг келиб чиқиши ва шаклланиш тарихи.
- жаҳондаги пенсия тизимларининг моделлари.
- миллий пенсия тизимларининг мазмуни ва ташкил этишнинг асосий тамойиллари.
- миллий пенсия тизимларини тавсифловчи мезонлар таркиби ва уларнинг хусусиятлари.

**Кейсда сунъий деталлашган вазият баён қилинганд.**

#### **Ахборот манбалари:**

1. Б.Маматов и др. Опыт пенсионного обеспечения развитых и развивающихся стран. “Вести современной науки”. Научно-теоретический журнал. Волгоград, изд. “Сфера” 2016. – 12. 60-67-стр.
2. “Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари” мавзусида вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман: Тезислар тўплами. – Т.: «Иқтисод-Молия», 2017. III-бўлим
3. Алляров Ш.А., Тошмуҳамедова Д.А. Давлат пенсия таъминоти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2015.
4. Хайтов А.А., Зиядуллаев М.М. Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси. –Т.: “Адолат”, 2009. – 172 б.

5. Nicholas Barr, Peter Diamond. Reforming Pensions: A Short Guide 1st Edition. Oxford University Press; 1 edition, UK (November 30, 2009)

6. Маматов Б., Хужамкулов Д. Пенсия таъминотининг хориж тажрибалари ва хусусиятлари. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 1, сентябр, 2016 йил. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz)

7. Турсунов Ж. Ўзбекистонда давлат пенсия таъминоти тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлашдаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари. “Халқаро молия ва ҳисоб” электрон журнали. № 6, декабр, 2017 йил. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz)

#### **Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифи:**

| Тавсифи  | Тури                                   |
|--|--|
| <i>Асосий манбаларига кўра:</i>                    | илмий-тадқиқотчилик                    |
| <i>Сюжетнинг мавжудлигига кўра:</i>                | Сюжециз                                |
| <i>Вазият баёнининг вақтдаги изчиллигига кўра:</i> | ўтмишдан ҳозирга келиш режимидағи кейс |
| <i>Кейс обьектига кўра:</i>                        | кўп субъектли                          |
| <i>Материални тақдим этиши усулига кўра:</i>       | таҳлилий иш                            |
| <i>Ҳажсига кўра:</i>                               | Қисқа                                  |
| <i>Тузилмавий хусусиятига кўра:</i>                | Тузилмаланган                          |
| <i>Ўқув топширигини тақдим этиши усулига кўра:</i> | кейс-топшириқ                          |
| <i>Дидактик мақсадларига кўра:</i>                 | таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи          |
| <i>Расмийлаштириш усулига кўра:</i>                | Босма                                  |

Кейсдан “Давлат пенсия таъминоти”, “Хорижий мамлакатлар пенсия тизимлари” ўқув предметларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

### **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ КИРИШ**

Пенсия тизими жамиятнинг турли ижтимоий қатламларининг манбаатларини қондириш учун мўлжалланган, иқтисодий, ижтимоий ва хуқуқий институтларни бирлаштирувчи мураккаб организмдир. Бугунги кунга келиб пенсия таъминоти ҳар қандай демократик давлатда яшовчи инсонларнинг ажралмас хуқуқи ҳисобланади. Бу мамлакатларда миллий пенсия тизимларининг ўзига хос шаклланиш тарихи, яқин ва узоқ тарихдаги тараққиёт босқичлари ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бугунги глобаллашув шароитида ривожланиш тенденциялари мавжуд. Шунингдек, турли давлатлар пенсия тизимлари бир-биридан ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Бу ўзига хосликлар пенсияларни тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш тартибларининг турличалиги, пенсияга сарфланадиган маблағларни

молиялаштириш манбалари таркиби ва тузилишининг ҳар хиллиги, пенсия муносабатларини давлат томонидан тартибга солиш механизмлариниг амал қилиши, пенсия фондларининг молия бозорларидағи иштироки ва пенсия жамғармаларининг инвестицион ресурс сифатида ишлатилишида намоён бўлади.

Мамлакатимизда пенсия таъминоти тизимини самарали ташкил этиш, унинг молиявий манбаларини мустаҳкамлаш масалаларида хорижий тажрибани чуқур ўрганиш, хорижий давлатлар пенсия таъминотидаги ижобий жиҳатларни миллий пенсия тизимимизга татбиқ этиш, шу асосда мамлакатимиз пенсия тизимининг иқтисодий, молиявий, ҳукуқий ва институционал асосларини мустаҳкамлаш масалалари бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

### **Кейсда баён қилинган вазият:**

Тараққий этган мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг турли институтларини қамраб олувчи пенсия тизимининг турли моделлари:

- давлат пенсия таъминоти,
- мажбурий ижтимоий суғурта,
- шахсий ижтимоий суғурта кабилар қўлланилади.

Бу моделлар “жамғариладиган” ва “тақсимловчи” моделларга асосланган бўлиб, кўпчилик мамлакатларда бу моделларнинг “комбинациялашган” шакллари амал қиласиди<sup>13</sup>. Уларнинг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, турли мамлакатлар пенсия тизимларининг тажрибаларини ўрганиш асосида мамлакатимиз пенсия таъминотини ташкилий, ҳукуқий, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш мумкин. Турли пенсия тизимларини таҳлил қилиш уларнинг элементлари ва хусусиятларини муҳим белгиларига кўра гурухлаш имконини беради. Турли пенсия тизимлари жадвалда келтирилган белгиларига кўра бир-биридан фарқ қиласиди (1-илова).

**Топширик:** Миллий пенсия тизимларини тавсифловчи мезонларга кўра Ўзбекистон Республикаси ва талабаларнинг танловига кўра бошқа хорижий мамлакат пенсия тизимининг қиёсий таҳлилини амалга ошириш ва шу асосда мамлакат пенсия тизимининг ташкилий, ҳукуқий, иқтисодий ва молиявий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Муаммо:** Ўзбекистон пенсия тизимининг ташкилий, ҳукуқий, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлаш.

<sup>13</sup>Mamatov B., Xujamkulov D. Pensiya ta'minotining xorij tajribalari va xususiyatlari. “Xalqaro moliya va hisob” elektron jurnali. № 1, sentyabr, 2016-yil. interfinance.uz

### **Вазифалар:**

1. Пенсияларни тайинлаш ва тўлаш шартларига кўра мамлакатлар кўрсаткичларини аниқлаш ва солиштириш.
2. Мамлакатлар бўйича пенсияларнинг миқдорини хисоблаш тартибларини ўрганиш.
3. Пенсия таъминотини молиявий жиҳатдан таъминланиш тартибларини ўрганиш ва солиштириш.
4. Мамлакат пенсия тизимининг ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши.
5. Таклифларни “тахлилий иш” кўринишида расмийлаштириш.

**Ечим алгоритми:** Ушбу вазифаларни қуидаги жадвал кўринишида бажариш тавсия этилади.

**Жадвал**

| Мезонлар   | Мамлакат   |                  |
|--|------------|------------------|
|  | Ўзбекистон | Хорижий мамлакат |
| <b>Пенсияларни тайинлаш ва тўлаш шартларига кўра</b>   |            |                  |
| пенсия ёши, ш.ж. аёллар ва эркаклар учун   |            |                  |
| сугурта стажси, ш.ж. аёллар ва эркаклар учун;  |            |                  |
| ишиловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаши тартиби   |            |                  |
| муддатидан олдин пенсияга чиқиши тартиби.  |            |                  |
| <b>Пенсия миқдорини хисоблаш тартибига кўра</b>  |            |                  |
| пенсия таъминотининг кафолатланган меъёрлари (пенсияларнинг энг кам миқдори, ш.ж. сугуртавий ва ижтимоий пенсиялар бўйича) |            |                  |
| ўртacha пенсия миқдорининг ўртacha иши ҳақи миқдорига нисбати  |            |                  |
| иши ҳақи миқдорини ҳозирги кун даражасига тенглаштириши тартиблари   |            |                  |
| пенсияни хисоблаш ва сугурта бадалларини ундиришида қабул қилинадиган иши ҳақининг юқори даражаси                          |            |                  |
| <b>Молиявий жиҳатдан таъминланишига кўра</b>   |            |                  |
| асосий ижтимоий субектларнинг (иши берувчилар, ишиловчилар,  |            |                  |

|  |  |  |
|--|--|--|
| давлат) пенсия тизимини молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича маҷburiyatlari  |  |  |
| ижтимоий пенсияларга харажатлар миқёси   |  |  |
| тақсимланадиган, жамғарib бориладиган ва аралаш пенсия тизимларида молиявий таъминот манбаларининг маркиби ва тузилиши |  |  |
| ўрта ва узоқ истиқболда пенсия тизими харажатларининг ЯИМдаги улуши  |  |  |

### Кейс натижаларини баҳолаш мезонлари

| №                            | Мезонлар  | балл       |
|------------------------------|---|------------|
| 1.                           | Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимини тавсифловчи мезонларга кўра таҳлил қилиниши   | 0-2,0      |
| 2.                           | Хорижий мамлакатлар пенсия тизимларини тавсифловчи мезонларга кўра таҳлил қилиниши    | 0-2,0      |
| 3.                           | Пенсия тизимлари ҳолатининг аниқланиши ва баҳо берилиши, таклифларнинг ишлаб чиқилиши | 0-1,0      |
| <b>ЖАМИ БАЛЛАР ЙИҒИНДИСИ</b> |   | <b>0-5</b> |

### Кейсни бажариш учун ўқув-услибий материаллар

#### ТАРАҚҚИЙ ЕТГАН МАМЛАКАТЛАР ПЕНСИЯ ТИЗИМЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тараққий етган мамлакатларда ижтимоий ҳимоянинг турли институтларини қамраб олувчи пенсия тизимининг турли моделлари:

- давлат пенсия таъминоти,
- маҷбурий ижтимоий суғурта,
- шахсий ижтимоий суғурта кабилар қўлланилади.

Бу моделлар “жамғариладиган” ва “тақсимловчи” моделларга асосланган бўлиб, кўпчилик мамлакатларда бу моделларнинг “комбинациялашган” шакллари амал қиласиди<sup>14</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ахолисининг 20 фоизидан кўп 65 ёшдагиларни ташкил қилувчи мамлакатлар сафида 3 та давлат – Германия, Италия ва Япония бор.

<sup>14</sup>Mamatov B., Xujamkulov D. Pensiya ta'minotining xorij tajribalari va xususiyatlari. “Xalqaro moliya va hisob” elektron jurnali. № 1, sentyabr, 2016-yil. interfinance.uz

**Буюк Британия** пенсия тизими дунёдаги енг қадимий тизим бўлиб, оммавий ва универсал шаклдаги пенсия таъминоти 1908-йилда жорий қилинган. Мазкур тизим ташкил етиш, тартибга солиш ва имкониятларни танлаш бўйича бирмунча мураккаб ҳисобланади. Буюк Британиялик пенсионерлар ойлик маоши ва иш стажидан келиб чиқиб, давлатдан базавий пенсияни ҳам, миллий суғурта тизимидан меҳнат пенсиясини ҳам олиши мумкин. Давлатнинг базавий пенсиясини олиш хуқуқига 65 ёшдан ошган эркаклар ва 60 ёшдан ошган аёллар олиш хуқуқига ега бўладилар, бунда пенсиянинг миқдори иш стажига боғлиқ бўлади. Пенсиянинг миқдори чекланган бўлиб, лекин инфляция даражасидан келиб чиқсан ҳолда давлат томонидан индексация қилинади. Ишчи-ходим ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридаги пенсия давлат томонидан кафолатланади. Меҳнат пенсияси ҳам ишчи-ходимнинг бадаллари ҳисобига шакллантирилади, бирок, бунда иш берувчи ҳам тенг баробар иштирок етади. Меҳнат пенсияси ҳажми пенсия учун тўловлар миқдорига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, даромаднинг 20 фоизини ташкил қиласди. Бундан ташқари, Буюк Британияда жамғаришга асосланган хусусий пенсияларнинг турли-туман усуллари – корхоналардаги корпоратив дастурлардан тортиб, то нодавлат пенсия фондларига ихтиёрий тарзда пенсия жамғаришнинг ривожланган тизими ҳам мавжуд.

Кенг қамровли пенсия таъминотига XIX асрнинг охирида **Германия** империясида асос солинган. 1889-йилда “темир канслер” номини олган Отто фон Бисмарк ташаббуси билан ижтимоий суғурта ғояларига асосланган биринчи кенг кўламли пенсия тизими шаклланган. Бунга Отто фон Бисмаркни социалистларнинг ўсиб бораётган норозиликлари унданаган. Бисмаркнинг ғоясига кўра:

- пенсия йўқотилган даромадни қоплаши;
- ҳажми мажбурий суғурта ажратмаларига кўра аниқланиши;
- суғурта бадалларини ишчи-хизматчилар ўз иш ҳақларидан тўлаб боришли;
- зенсияни молиялаштиришда давлатнинг иштироки минимум даражада бўлиши лозим еди.

Ушбу тизим тўлалигича суғуртага асосланган бўлиб, тўловлар миқдори иш ҳақига боғлиқ бўлган. Германиянинг пенсия тизими “авлодлар бирдамлиги” тамойилига асосланади, яъни ҳозирда ишловчилар пенсионерларнинг пенсияларини тўлаш учун давлат пенсия фондига ижтимоий суғурта бадалларини тўлайдилар ва бу пенсионерларга пенсия тўланади.

Бугунги кунда ишлаётган фуқаролар томонидан тўланадиган тўловлар миқдори қанчалик юқори бўлса, кейинчалик улар томонидан тўланган тўловларга мутаносиб равишда пенсия миқдори шунча юқори бўлади.

Германия фуқаролари томонидан Пенсия фондига тўланадиган ҳар ойлик тўловнинг ўртача миқдори улар иш ҳақининг 20 фоизини ташкил қиласди. Бунда унинг тенг ярмини иш берувчи тўлайди. Фуқаро ҳарбий хизматни ўтаётган вақтида ёки аёлларнинг декрет таътили давомида тўловлар давлат ҳисобидан амалга оширилади. Пенсия ҳисоб-китоблари индивидуал коеффициентлар асосида (бутун меҳнат фаолиятида) амалга оширилади. У пенсияга чиқиш ёшига (Германияда пенсияга чиқиш ёши 67 ёшни ташкил қиласди), меҳнат стажига, иш ҳақи миқдорига ва пенсиянинг турига боғлиқ бўлади. Германияда ишловчиларнинг қўпчилиги нодавлат пенсия фондларида иштирок етиб, хусусий пенсия режаларига ега бўладилар.

**Франция** илк пенсия таъминоти Франция ҳарбий денгиз флоти офицерлари учун 1673-йилда жорий етилган. 1790-йилдаги Буюк француз инқилоби даврида давлат хизматчилари учун Фуқаролик пенсияси ҳақидаги қонун қабул қилинди. У 30 йил меҳнат қилган ва 50 ёшга тўлганлар учун мўлжалланган еди. Франция пенсия тизими “таксимловчи” моделга асосланган бўлиб, бунда пенсионерларнинг пенсиялари иқтисодий фаол аҳоли тўловлари ҳисобидан шаклланувчи даромадлар ҳисобидан амалга оширилади. Пенсия таъминотини бошқариш давлат назорати асосида Касаба уюшмалари ассоциациялари томонидан амалга оширилади. Пенсия бадаллари иш берувчилар ва

ишловчилар ўртасида тақсимланади. Еркин касб егалари, жумладан, кичик тадбиркорлик субъектларининг, дехқонларнинг Пенсия фондига тўлайдиган ҳар ойлик тўловлари миқдори иш ҳақининг 16,35 фоизини ташкил қиласди. Францияда пенсияларнинг миқдори ўртача иш ҳақининг 50 фоизини ташкил қиласди ва бунда сўнгги 11 йиллик меҳнат стажи ҳисобга олинади. Бирок, Францияда минимал ва максимал давлат пенсияси амал қиласди. Бугунги кунда минимал давлат пенсияси тахминан йилига 6 мингийеврони ташкил қиласди, максимал давлат пенсияси миқдори еса бундан 2 баробар кўп. Пенсияга чиқишининг минимал ёши 60 йилни ташкил қиласди. Агар фуқаро 41 йил ишлаган бўлса, у тўлиқ миқдорда пенсия олади. Агар меҳнат стажи кам бўлса, пенсия миқдори 1,25 фоизга камаяди. Агарда фуқаро 65 ёшида муносаб тарзда нафақага чиқадиган бўлса, у ҳолда у қачон меҳнат фаолиятини бошлаганидан қатъий назар, ўз пенсиясини тўлиқ олади. Франция Қариялар ишлари бўйича вазири Мишел Делоне мамлакатда 60 ёшдан ошганлар умумий аҳоли улушида 23,4 фоизни ташкил етаётганини таъкидлар екан, кексаларни ишлаб чиқаришга фаол жалб қилиш масаласини кун тартибига қўиди. Улар истиқболда давлат хизматлари учун, шунингдек, кўплаб компанияларучун ҳам фойдали шахсларга айланишлари мумкин.

**Швецияда** пенсиялар уч қисмдан иборат: шартли-жамғариладиган; жамғариладиган ва кафолатланган. Биринчиси – ишловчилар иш ҳақининг 16 фоизини ташкил етувчи бадаллар ҳисобидан шаклланади ва бу маблағлар жорий иқтисодий вазият ва демографик ҳолатдан келиб чиқиб, индексацияланади. Жамғариладиган қисми ҳам ишчиларнинг иш ҳақига боғлиқ бўлади, бироқ, бу маблағлар ишловчининг ҳисобрақамидаги реал маблағлар бўлиб, ушбу маблағларни ишловчи ходим нодавлат пенсия фондлари орқали инвестициялаши мумкин.

**Финляндия** пенсия тизимида асосий ўринни “тақсимловчи” пенсия тизими егаллайди. Тақсимловчи пенсия тизими базавий ва суғуртавий қисмга бўлинади. Базавий қисм давлат пенсиясининг минимал миқдорини кафолатлайди. Меҳнат пенсиясининг суғуртавий қисми марказлашмаган бўлиб, суғурта компанияси ёки пенсия фондининг танлаб олинган схемаси бўйича бадаллар ҳисобига шаклланади. Схемалар тармоқ, алоҳида корхона, ижтимоий гуруҳлар доирасида бўлиши мумкин. Схемалар қисман фондлаштирилган бўлади.

**Норвегияда** пенсиялар ҳар бир фуқарога давлат томонидан тўланади ва унинг миқдори меҳнат стажи ва иш ҳақи миқдорига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, мамлакатда нефтдан олинган юқори даромадлар ҳисобидан шаклланадиган Пенсия фонди мавжуд. Давлат ушбу фонд маблағларини дунё бозорларида кўчмас мулк ва фонд бозорига инвестиция қиласди. Норвегияда (Скандинавия мамлакатларидағи каби) пенсияга чиқиши ёши аёллар учун ҳам, эркаклар учун ҳам – 65-67 ёшни ташкил қиласди, бироқ, ҳукumat ҳозирги кунда пенсия ёшини 70 ёшга йетказиш чораларини кўрмоқда.

**Америка Кўшма Штатларида** давлат пенсия тизими ҳамда хусусий пенсия тизими амал қиласди. Шунга мувофиқ равишда АҚШ фуқаролари ўзини бир емас, уч турдаги пенсия билан таъминлайди: давлат; хусусий жамоа (иш жойи бўйича) ва хусусий индивидуал (шахсий пенсия ҳисобрақами очиш йўли билан). Тақсимловчи деб аталувчи давлат пенсия тизимида пенсионерлар ҳозирги кунда фаол ишловчи фуқаролар томонидан Пенсия фондига тўланадиган пенсия суғуртаси бадаллари ҳисобига пенсия оладилар. АҚШда енг йирик давлат пенсия тизими – умумий Федерал дастур ҳисобланиб, ушбу дастур иқтисодиётнинг хусусий секторида банд бўлган барча аҳолини қамраб олади ва тақсимловчи тамойилга асосланади. Дастур 1935-йилда қабул қилинган “Ижтимоий таъминот тўғрисидаги Конунга асосан амал қиласди ва минимал пенсияни кафолатлайди. Жамғарилувчи тизимга еса давлат пенсия дастурлари билан бир вақтда хусусий пенсия дастурлари ҳам тегишлидир. Жамғарилувчи тизимдаги давлат пенсия дастурлари марказий ҳукumat ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларида ишлайдиган фуқароларга мўлжалланган. Иқтисодиётнинг хусусий секторида ишловчилар иш жойибўйича ташкил етиладиган кўшимча давлат пенсия тизимида иштирок етишлари

мумкин. Дастан маблағлари белгиланган түловлар асосида иш берувчилар томонидан қилинадиган ажратмалар ҳисобидан шаклланади, бунда ишловчилар иштирок етмайды. Ҳар бир Америка фуқароси тижорат ва жамғарма банкларда, пай фонdlарида, сұғурта компанияларида ўзининг шахсий пенсия ҳисобрақамини очиши мумкин. Шахсий пенсия ҳисобрақамига түловлар йиллик миқдорининг юқори чегараси чекланган бўлиб, 2000 АҚШ долларини ташкил қиласди. Ушбу ҳисобрақамдаги маблағларни 59,5 ёшгача йешиб олиш мумкин емас, 79,5 ёшга тўлганда еса ҳисобрақам мажбурий тартибда ёпилади. Ҳисобрақамдаги ушбу маблағлар солиққа тортилмайди, аммо, бу маблағларни ҳисобрақамдан йешиб олишда ҳамда ҳисобрақамни ёпишда жамғарилган маблағлардан даромад солиғи олинади. АҚШда 1938-йилгача туғилган шахслар учун пенсия ёши 65 ёшни ташкил қиласди. Аҳолининг ҳаёт кечириш давомийлиги ошиб бориши билан Ижтимоий таъминот тўғрисидаги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритилди ва пенсия ёши 67 ёш қилиб белгиланди. АҚШ пенсия тизимининг модели бир қанча Лотин Америкаси давлатларида ва Португалияда ҳам амал қиласди.


**Чили** пенсия тизими дунёдаги инновацион пенсия тизимларидан бири ҳисобланади. Пенсия тизимининг Чили моделида пенсия жамғармалари шаклланишининг жавобгарлиги ишловчи фуқаролар зиммасига юклатилган. Ҳар бир фуқаронинг шахсий пенсия ҳисобрақами мавжуд бўлиб, ушбу ҳисобрақам ишловчилар иш ҳақининг ойлик 10 фоизини ташкил етувчи бадаллар ҳисобидан тўлдириб борилади. Кейинчалик ушбу маблағлар фуқаролар хоҳишига кўра хусусий бошқарувчи компаниялар томонидан капитализация қилинади. Чилида пенсия ёши эркаклар учун 65 ёшни, аёллар учун 60 ёшни ташкил қиласди.

Пенсия таъминоти моделларида давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган давлат ижтимоий таъминоти муҳим ўрин егаллади. **Япония** икки поғонали пенсия тизимига ега. Биринчиси – бу базавий пенсия, яъни бу пенсияни миллати, фаолият тури, даромади даражасидан қатъий назар, мамлакатда яшовчи барча фуқаролар олиш ҳуқуқига ега. Базавий пенсиялар ёшга доир (65 ёшга тўлган ва сұғурта стажи мавжуд бўлган), ногиронлик ҳамда бокувчинини йўқотганлик пенсияларига бўлинади. Иккинчиси – давлат ва касб пенсиялари. Буни ёлланма ишчилар базавий пенсияга қўшимча тарзда оладилар. Японияда пенсияга чиқиш ёши 65 ёшни ташкил қиласди. Фуқаро меҳнат фаолиятини давом еттирса, пенсия миқдори ҳар йили ошибириб борилади.

**Хитойда** пенсияларни дастлаб хизматчилари ва давлат компаниялари ишчилари олишган. Кейинчалик бу тизимга бозор ислоҳотлари натижасида хусусий секторда ишловчи шаҳар аҳолиси ҳам жалб қилинган. 2007-йилда пенсия ёшидаги аҳолининг 30 фоизи пенсия олган бўлса, қолганларини анъанавий тарзда фарзандлари боқишиган. 2009-йилда Хитой ҳукумати қишлоқ аҳолиси учун ҳам пенсияларни жорий қилди. 2012-йилда пенсия тизими Хитой аҳолисининг 55 фоизини қамраб олди. Хитойда 2013-йилда 60 ёшдан ошган аҳоли сони 202 миллион киши бўлди ва аҳоли сонининг 15 фоизини ташкил қилмоқда. Аҳолининг бу қатлами вакиллари билан ишлаш, уларга хурмат ва еҳтиром кўрсатиш, жамият ҳаётидан ажралиб қолмаслигини таъминлаш юзасидан Хитой кенг кўламли чора-тадбирларни аллақачон бошлаган. Хитойда пенсия бадаллари аҳолининг қишлоқ жойларда ёки шаҳарда яшашига, давлат ташкилотида ёки хусусий компанияларда ишлашига боғлиқ бўлади. Давлат пенсияси ўртacha иш ҳақининг 20 фоизини ташкил қиласди. Қишлоқ жойларда пенсия миқдори дехқонларнинг ўртacha ойлик даромадининг 10 фоизини ташкил қиласди. Хусусий секторда ишловчилар иш ҳақининг 8 фоизини Пенсия фондига йўналтиради, яна 3 фоизини иш берувчи тўлайди. Хитойда эркаклар 60 ёшдан пенсияга чиқади. Бошқарув соҳасида фаолият кўрсатувчи аёллар 55 ёшдан, жисмоний меҳнат билан машғул аёллар 50 ёшдан пенсияга чиқади. Пенсия олиш учун меҳнат стажи 15 йилни ташкил қиласди.

Кўпчилик тараққий етган мамлакатлар пенсия таъминотининг ўзига хос жамғариладиган тизимига ега. Одатда, бу тизимда 40 фоиз аҳоли иштирок етади. Айрим

мамлакатларда (масалан, АҚШда) бу кўрсаткич 80 фоизга яқин. Шунга мос равища пенсиянинг ўртача микдорлари ҳам ҳар бир давлатда турлича (1-расм).



**1-расм. Дунё мамлакатларида пенсияларнинг ўртача микдори<sup>15</sup>, 2015 йил. (АҚШ доллари ҳисобида)**

Финляндияда 2015-йилда пенсиянинг ўртача микдори иш ҳақининг 58 фоизини, яъни 1982 АҚШ долларини ташкил қилган.

Германияда пенсиянинг ўртача микдори 2015-йилда 1400 АҚШ долларини ташкил қилган. Агар пенсионер меҳнат қобилиятига ега бўлган даврда ишсиз бўлса ёки унга ҳисобланган пенсия яшаш минимумидан кам бўлса, давлат ушбу фарқни қоплаб беради. Шунингдек, давлат пенсионерларнинг коммунал харажатларини ўз зиммасига олади.

АҚШда пенсиянинг ўртача микдори 1200 АҚШ долларини ташкил қиласди ва бу микдор ўртача иш ҳақининг 50 фоизини ташкил қиласди. Ишчилар ўз даромадларининг 7,5 фоизини, иш берувчилар ҳам 7,5 фоизини Пенсия фондига ўтказиб боради. Нодавлат секторда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар, адвокатлар ва бошқалар мустакил тарзда 15 фоиз маблағни Пенсия фондига ўтказади.

Грецияда 2015-йилда пенсиянинг ўртача микдори 573 АҚШ долларни, Украинада 52, Белоруссияда 175, Қозоғистонда 250, Арманистонда 100, Болгарияде 140, Грузияда 60, Латвияда 335, Естонияда 255 АҚШ долларини ташкил қиласди.

Хозирги кунга келиб, кўпчилик мамлакатларда пенсияга 65 ёшдан чиқилади (1-жадвал). Йевропа ва АҚШда яқин йиллар ичida бу чегарани 70 ёш қилиб белгилаш назарда тутилмоқда. 2005 йилдаётк Йеврокомиссия Йевропа Иттифоқи мамлакатлари пенсия ёшини босқичма-босқич ошириб бориш зарурлиги бўйича тегишли тавсиялар берган. 2060-йилга бориб иқтисодий нуқтаи назардан оптималь вариант 70 ёш атрофида бўлади.

<sup>15</sup>Манба: <http://pensia-expert.ru/materialy/razmery-pensij-i-pensionnye-vозрасты-в-druix-stranax/> сайти ма'lumotlari asosida.

**1-жадвал**

**Хорижий мамлакатларда ўртача умр қўриш давомийлиги ва пенсияга чиқиши<sup>16</sup>**

| №   | мамлакат  | пенсияга чиқиши ёши эркак/аёл | яшаши давомийлиги | №   | мамлакат   | пенсияга чиқиши ёши эркак/аёл | яшаши давомийлиги |
|-----|-----------|-------------------------------|-------------------|-----|------------|-------------------------------|-------------------|
| 1.  | Дания     | 67                            | 78                | 12. | Италия     | 67/65                         | 80                |
| 2.  | Норвегия  | 67                            | 80                | 13. | Венгрия    | 62                            | 73                |
| 3.  | Германия  | 67                            | 79                | 14. | Полша      | 65/65                         | 76                |
| 4.  | Испания   | 65                            | 80                | 15. | Россия     | 60/55                         | 66                |
| 5.  | АҚШ       | 65                            | 78                | 16. | Қозоғистон | 63/58                         | 68                |
| 6.  | Швейцария | 65/64                         | 81                | 17. | Озарбайжон | 62/57                         | 67                |
| 7.  | Швеция    | 65                            | 81                | 18. | Беларус    | 60/55                         | 71                |
| 8.  | Япония    | 70                            | 82                | 19. | Украина    | 60/55                         | 69                |
| 9.  | Англия    | 68/60                         | 79                | 20. | Молдова    | 62/57                         | 71                |
| 10. | Франция   | 67/65                         | 81                | 21. | Ўзбекистон | 60/55                         | 72                |
| 11. | Канада    | 65                            | 81                | 22. | Грузия     | 60/55                         | 77                |

Россияда пенсия ёши 2015-йилда эркаклар учун 60 ёш, аёллар учун 55 ёшни ташкил етар еди. Лекин, ушбу мамлакатда ҳам пенсия ёшини босқичма- босқич ошириб бориш жараёни бошланди ва 2016 йилда эркаклар 61 ёшда, аёллар 56 ёшдан пенсия чиқиши ва шу зайлда давом етиб, 2020 йилга бориб эркакларнинг 65 ёшда, аёлларнинг 60 ёшда пенсияга чиқиши қонунан белгилаб қўйилди.

---

<sup>16</sup><http://pensia-expert.ru/materialy/razmery-pensij-i-pensionnye-vozrasty-v-drugix-stranax/> sayti ma'lumotlari asosida.

## Пенсия тизимларини тавсифловчи мезонлар таркиби

| Тартибга<br>солиш<br>соҳаси | Пенсияларни<br>тайинлаш ва тўлаш<br>шартлари   | Пенсия миқдорини<br>хисоблаш тартиби   | Молиявий жиҳатдан<br>таъминланиши  | Пенсия<br>тизимларини<br>шакллантириш<br>учун шароитлар ва<br>унинг қиймати  | Бошқарув<br>органлари  |
|-----------------------------|--|--|--|--|--|
| Мезонлар турлари            | <ul style="list-style-type: none"> <li>- пенсия ёши, ш.ж. аёллар ва эркаклар учун.</li> <li>- суғурта стажи, ш.ж. аёллар ва эркаклар учун.</li> <li>- ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлаш тартиби</li> <li>- муддатидан пенсияга тартиби</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>- пенсия таъминотининг кафолатланган меъёрлари (пенсияларнинг энг кам миқдори, ш.ж. суғуртавий ва ижтимоий пенсиялар бўйича)</li> <li>- ўртacha пенсия миқдорининг ўртacha иш ҳақи миқдорига нисбати</li> <li>- иш ҳақи миқдорини ҳозирги кун даражасига ренлаштириш тартиблари</li> <li>- пенсияни хисоблаш ва суғурта бадалларини ундиришда қабул қилинадиган иш ҳақининг юқори даражаси</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>- асосий ижтимоий субъектларнинг (иш берувчилар, ишловчилар, давлат) пенсия тизимини молиявий жиҳатдан таъминлаш бўйича мажбуриятлари</li> <li>- ижтимоий пенсияларга харажатлар миқёси</li> <li>- тақсимланадиган, жамғарib бориладиган ва аралаш пенсия тизимларида молиявий таъминот манбаларининг таркиби ва тузилиши</li> <li>- ўрта ва узок истиқболда пенсия тизими харажатлари -нинг ЯИМдаги улуши</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>- мамлакатнинг иқтисодий демографик ривожланиш истиқболларига боғлиқ равишда пенсия тизимларини шакллантириш босқичлари</li> <li>- пенсия суғуртаси тўловчилар билан пенсионерлар сонининг нисбати</li> <li>- молиявий институтларни яратиш босқичлари</li> <li>- суғурта резервларини шакллантириш даражаси</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>- бошқарув органларининг тузилиши</li> <li>- ижроия органларининг таркиби</li> <li>- назорат қилувчи органларнинг таркиби ва ваколатлари</li> </ul> |

## 8. Амалий машғулотларда муаммоли ҳолатларни ечиш бўйича (кейс ўқитиши технологияси )

| <i>Мавзу</i>  | <i>Товар ассортименти стратегиясини ишлаб чиқиши</i>   |
|---|--|
| <i>Талабалар сони:</i> 25 –30   | <i>Вақти</i> 4 соат  |
| <i>Ўқитиши шакли</i>  | <i>Амалий машғулотда муаммоли ҳолатни ечиш орқали билимни чукурлаштириши.</i>  |
| <i>Амалий машғулот режаси</i>   | <p>1. Кейс – стадига кириш ва назарий жихатдан ёритиб бериш.</p> <p>2. Билимни чукурлаштиришининг ва муаммонинг долзарблиги.</p> <p>3. «Курамбой бобо набираси Тохир-Зухра ” фермер хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини ўрганиш .</p> <p>4. Муаммонинг шаклланиши ва уни ечиш йўллари.</p> <p>5. Кейс – стадини гурухларда ечиш.</p> <p>6. Дискуссия орқали муаммоли ҳолатни ечиш foяларини кўриб чиқиши.</p> <p>7. Энг муқобил вариантини танлаш ва натижаларни презентация килиш.</p> <p>8. Гурухларнинг ишлаш фаолиятини ва мақсадга эришилганлик натижаларини баҳолаш ва хулоса чиқариш.</p>  |
| <i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i>  | бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши таъсирини аниқлаш.  |
| <i>Педагогик вазифалар:</i><br><br>Муаммоли ҳолатнинг хусусиятларини тавсифлаб ва таснифлаб беради:<br><br><ul style="list-style-type: none"> <li>• Кейсда бирлашманинг фаолияти ва асосий воситалар ҳолати билан таништиради ва таҳлил қиласи;</li> <li>• Муаммони ажратиш ва уни аниқлаб, ечиш кетма - кетлигини ишлаб чиқишини ўргатади;</li> <li>• Кейсда муаммонинг маълумотларини бошқарув ва ишлаб чиқаришини тизимини яхшилаш учун хисоб - китоблар ўтказадилар, ҳамда якуний хулосалар чиқаридилар;</li> </ul> | <p><i>Ўқув фаолиятнинг натижалари:</i></p> <p>- Фермер хўжалигининг фаолияти ва ҳолатини ўрганган ҳолда муаммони аниқлайди ва фермер хўжалигига таалуқли муаммоларни тавсифлаб берадилар;</p> <p>-Муаммоли ҳолатнинг кўнимкаларини ва унинг шаклидаги кичик муаммоларнинг иқтисодий асосланган ечимларини ишлаб топмоқ;</p> <p>Фермер хўжалигининг фаолиятини хисобга олган ҳолда муаммони ечилишнинг кетма – кетлигини аниқлайди;</p> <p>- Иқтисодий кўрсаткичлар билан ишлаш йўлларини, башорат қилиш, статистик маълумотлар таҳлили билан ишлаб чиқариш йўлларини оптимал вариантини танлайди ва мазкур фермер хўжалигининг хўжалигига бир турдаги экинлар ялпи ҳосили ва ўртacha ҳосилдорлиги даражасига экин майдони таркибини ва ҳосилдорлигини ўзгариши қай даражада таъсир қилганлигини аниқлайди;</p> |
| <i>Ўқитиши услуби</i>   | Кейс-стади услуги савол-жавоб, муаммоларни ечиш  |
| <i>Ўқитиши шакли</i>  | Амалий машғулотда фронтал ва индивидуал ишлаш, гурухларда ишлаш.   |
| <i>Ўқитиши воситалари</i>   | Маърузалар матни, ўкув дафтарлари, намоён материаллар (маърузачи томонидан презентация-слайд), лазер проектори, компьютер технологиялари, график органайзерлар (схемалар, расмлар, жадваллар),   |
| <i>Ўқитиши шартлари</i>   | Техник воситалар билан таъминланган гурухлар билан ишлаш учун мўлжалланган аудитория.  |
| <i>Мониторинг ва баҳолаш</i>  | мустакил ўрганиш учун саволлар берилади, уй вазифаси учун слайдлар тайёрлайди.   |

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

| Савол  | Жавоб 1  | Жавоб 2  | Жавоб 3  | Жавоб 4   |
|--|--|--|--|---|
| <b>"Россия Федерациясида пенсия таъминоти" тогрисидаги қонунчилигига асосан неча турдаги пенсияларни бериш акс эттирилган?</b> | уч   | тўрт   | беш  | икки  |
| <b>"Хорижий мамлакатлар пенсия тизими" фани нимани ўргатади?</b>   | хориж тажрибаси тикланиш ва ривожланиши пенсия тизимлари   | бир қатор давлатларда фаолият кўрсатаётган пенсия тизимларини асосий вазифалари ва холатлари | асосий моделлар пенсия тизимлари ва босқичлари и реформирования  | пенсия таъминотининг иқтисодий моҳияти ва хориж мамлакатларида ахолини ижтимоий химоялаш тизимидағи о`рни |
| <b>"Хорижий мамлакатлар пенсия тизими" фани ўргатилаётганда қандай вазифалар қўйилади?</b>                                     | Миллий пенсия тизимини такомиллаштириш ва алоҳида элементларни қўллаш мақсадида хориж тажрибасини о`рганиш | Ахолининг пенсия таъминоти тизими тузилмасини о`рганиш                                       | Хорижий давлатларнинг пенсия тизимларини ташкилий-хуқуқий ва илмий-назарий асосларини ташкил этилишини ўрганиш | Ижтимоий химоя тизимининг ижтимоий-иқтисодий мазмун ва моҳиятини ўрганиш                                  |
| <b>«Пенсия валоризацияси» тушунчасига таъриф беринг.</b>   | Мехнат пенсиясини суғурта қисмини қайта ко`риб чиқиш   | Жамғарib бориладиган пенсияларни молия механизмларини корректировкаси                        | Иш стажини ҳисобга олган ҳолда пенсия капиталини қайта баҳолаш   | Совет давридаги иш стажини ҳисобга олган ҳолда пенсия капиталини қайта баҳолаш                            |

|   |  |   |   |  |
|---|--|---|---|--|
| <b>2002 йилгача Россия Федерацияси Пенсия суғуртасининг ривожланиши тарихи неча босқичли ҳисобланади?</b>   | беш  | тўрт  | уч  | икки   |
| <b>2014 - йил учун Россия Федерациясида пенсия суғуртасига сұгурута бадалининг % да ташкил қилиниши</b>   | 20%  | 21%   | 22%   | 24%  |
| <b>Агар мукофот пенсиясини қайерга жойлаштириш ҳодим томондан танланмаган бўлса, қайерга жойлаштирилади?</b>  | Махсус акционерлик пенсия жамғармасига                                 | Махсус қимматли қоғозлар фондига  | Махсус банк хисобрақамига   | Швеция пенсия активларини бошқариш бошқармасига  |
| <b>Агар Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги битимларда “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонундан бошқача қоидалар назарда тутилган бўлса қандай қоидалар қўлланилади?</b> | Шу битимларда белгиланган қоидалар қўлланилади                         | “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунда белгиланган қоидалар қўлланилади | Ҳар бир ҳолат бўйича қўшимча келишув (битим)лар тузилади ва уларда белгиланган қоидалар қўлланилади | “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунда белгиланган қоидалар қўлланилади |
| <b>Америка корпаратив пенсия фондларини ҳусусиятлари нималардан иборат</b>  | алоҳида юридик шахсалар хисобланмайди ёки мол мулк комплексга эга эмас | ижтимоий бадал ставкаларини лимити белгиланган  | алоҳида юридик шахслар бўлиб кўплаб молиявий ваколатларга эга                                       | тўғри жавоб йўқ  |
| <b>АҚШ да пенсия режаларини инвестициялаш манбалари...</b>  | солиққа тортилмаган даромад  | солиққа тортилгандан кейинги даромад  | барча солиқлар ва давлат фондларига мажбурий ажратмалар тўлангандан кейинги даромад                 | тўғри жавоб йўқ  |

| АҚШ фуқароларини ихтиёрий пенсия таминоти тўғрисидаги қонун қаҷон қабул қилинган?                   | 1976 йил  | 1973 йил  | 1974 йил   | 1975 йил   |
|---|---|---|--|--|
| <b>АҚШ қонунчилигига мувофиқ, ишловчиларнинг шахсий пенсия хисобварагига жойлаштирилади..</b>       | молия инструментларига жойлаштиришлари мумкин                             | жойлаштириш мумкин емас   | фақат хисобваракдаги маблағнинг 25%и                       | фақат хисобваракдаги маблағнинг 50%и   |
| <b>АҚШда жамғарib бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш манбаларининг асосийси...</b> | Федерал ҳукуматнинг йиллик бадаллари, инвестицион фондларнинг даромадлари | Иш берувчилар ва ишловчиларнинг сұғурта бадаллари   | Иш берувчиларнинг ажраттан сұғурта бадаллари               | Ходимларнинг сұғурта бадаллари   |
| <b>АҚШда Пенсия фондига иш берувчилар ва ишловчиларнинг пенсия бадалларини тұлаш нисбати:</b>       | 1:01  | 1:02  | 1:03   | 2:03   |
| <b>АҚШда Пенсия фондига иш берувчилар ва ишловчиларнинг пенсия бадалларини:</b>                     | ишловчининг пенсия бадали, профсоюз солиғи                                | кatta ёшдаги фуқароларнинг тиббий сұғуртаси   | ишловчининг пенсия бадали,ижтимоиј суғурта ажратмалар      | ишловчининг пенсия бадали ва катта ёшдаги фуқароларнинг тиббий сұғуртаси   |
| <b>АҚШнинг ихтиёрий пенсия тизими элементлари нималардан иборат</b>                                 | индивидуал пенсия режалари  | индивидуал пенсия режалари; фақат иш берувчилар бадал түлайдиган пенсия режалари; ишловчиларнинг ўзлари түлайдиган хамда уларнинг иш берувчилари киритадиган маблағлари асосидаги пенсия режалари | пенсия режалари, бадал түлайдиган ишловчиларнинг бадаллари | ишловчиларнинг ўзлари түлайдиган хамда уларнинг иш берувчилариши киритилдиган маблағлари асосидаги пенсия режалари |

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
| <b>Арманистон пенсия тизими қандай даражаларни ўзида ифода етади?</b>  | давлат пенсия сугуртаси, давлат пенсия таъминоти, ихтиёрий пенсия сугуртаси  | давлат пенсия сугуртаси, давлат пенсия таъминоти   | давлат пенсия сугуртаси, ихтиёрий пенсия сугуртаси   | давлат пенсия сугуртаси  |
| <b>Арманистон қонунчилигига мувофиқ қандай шахслар гурухи меҳнат учун пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади?</b>   | шахс, 63 ёшга етган, 25 йил сугурта стажи бўлганда   | шахс, 65 ёшга етган, 25 йил сугурта стажи бўлганда   | шахс, 62 ёшга етган, 25 йил сугурта стажи бўлганда   | шахс, 67 ёшга етган, 25 йил сугурта стажи бўлганда.  |
| <b>Арманистонда ҳар бир ортиқча ишланган йил учун коеффициент ўлчови қандай</b>  | 0.01   | 0.02   | 0.03   | 0.04   |
| <b>Арманистонда пенсияни ихтиёрий сугурталаш қайси манбалар ҳисобига шаклланади?</b>   | иш берувчиларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан   | ишчиларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан   | ишчилар маблағлари ва давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг бир қисми   | иш берувчилар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ва қўйилмалиридан олинган даромадлари ҳисобидан                                  |
| <b>Барча фуқароларга кенг доирадаги кафолатлар, имтиёзлар ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бериш - ижтимоий химоя қилишнинг қайси моделига хос ҳусусият?</b> | Неолиберал (Англо-саксония) модели   | Консерватив-корпоративистик (франко-герман) модели   | Социал-демократик (скандинавия) модель   | Европа модели  |
| <b>Беларус давлатида еркак ва аёлларнинг пенсияга чиқиши ёши нечи?</b>   | Еркаклар- 65 ёшга йетганида ва 25 йилдан кам бо`лмаган иш стажида; Аёллар- 60 ёшга йетганида ва 20 йилдан кам бо`лмаган иш стажида | Еркаклар- 60 ёшга йетганида ва 25 йилдан кам бо`лмаган иш стажида; Аёллар- 55 ёшга йетганида ва 20 йилдан кам бо`лмаган иш стажида | Еркаклар- 58 ёшга йетганида ва 25 йилдан кам бо`лмаган иш стажида; Аёллар- 56 ёшга йетганида ва 20 йилдан кам бо`лмаган иш стажида | Еркаклар- 65 ёшга йетганида ва 25 йилдан кам бо`лмаган иш стажида; Аёллар- 62 ёшга йетганида ва 20 йилдан кам бо`лмаган иш стажида |

|   |   |  |   |  |
|---|---|--|---|--|
| <b>Беларус давлатида қайси категориядаги фуқаролар ижтимоий пенсия олиш хуқуқига эгалар?</b>  | Талаб етиладиган иш стажига эга мөхнатта лаёқатли фуқаролар | Мөхнат пенсияси олишга хуқуқи бо`лмаган мөхнатта лаёқатли фуқаролар        | Ногиронлар, бевалар                                   | Талаб етиладиган иш стажи бо`лмаган мөхнатта лаёқатли фуқаролар  |
| <b>Беларус Республикаси пенсия тизимида пенсияларнинг қайси турлари мавжуд?</b>   | мөхнат; ижтимоий  | мөхнат пенсиялари, ногиронлик пенсияси; боқувчисини йўқотганлик пенсияси   | ногиронлик пенсияси; боқувчисини йўқотганлик пенсияси | ёшга доир пенсия, республика олдидағи хизматлари учун            |
| <b>Беларус Республикасида қайси органлар пенсия таъминотини амалга оширади?</b>   | Ижтимоий органлар   | Туман ва шахар мөхнат, бандлик ва ижтимоий химоя бошқармалари (бо`лимлари) | Беларус Республикаси молия вазирлиги томонидан        | Туман (шахар) ижтимоий таъминот бо`лимлари                       |
| <b>Чет елга доимий яшаш учун кетган Молдовия пенсионерларига ҳисобланган пенсиялар ....пенсия олувчилар яшаш жойидан ҳисобдан чиққанларидан сўнгги ойнинг бошларида тўланади.</b> | Бир йил олдин   | Тўккиз ой олдин  | Олти ой олдин   | Уч ой олдин  |
| <b>Чет еллик Япония пенсия тизимига пенсия бадали то`лашга мажбурми?</b>  | Ё`к, бу қонунда кўрсатилмаган                               | Ха, бу қонунда кўрсатилган   | Қисман, агар у ёлланиб ишлаётган бўлса                | Ха, агар чет элликнинг ёши 20 ёшдан катта ва 60 ёшдан паст бўлса |
| <b>Чили фуқароларининг шахсий жамғарив бориладиган пенсия ҳисобига ушланмаларнинг минимал ўлчови қандай?</b>  | 0,01  | 0,05   | 0,1   | 0,15   |
| <b>Чили новаторлик пенсия ислоҳоти қайси лидер бошқаруви пайтида утказилган?</b>  | А.Пиночета  | Ф.Кастро   | К.Алтомир   | Л.Корволан   |

|   |   |   |  |  |
|---|---|---|--|--|
| <b>Чили пенсия активларини инвестицион бошқаруви ва омонатчилар билан тузилган пенсия шартномалари асосидаги пенсия хисобваракларини бошқариш билан шугулланувчи ташкилот номи...</b> | Чили инвестиция пенсия фонди                      | Чили пенсия фонди маъмурияти  | Чили пенсия инвестицион активлари бошқармаси         | Чили пенсия фонди                              |
| <b>Чили пенсия тизими камчиликларини кўрсатинг?</b>   | молия бозорининг қаттиқ тебранишига боғланганлиги | пенсия таъминотининг барча аҳолини тўлиқ камраб олинмаганлиги             | пенсиянинг паст даражаси                             | паст кўрсаткичларни алмаштириш                 |
| <b>Чили пенсия тизимига мажбурий тўловлар сифатида ҳар бир омонатчи қўшимча равишда ....имкониятига эга бўлади.</b>   | 5% ўзининг иш хақидан ихтиёрий тартибда тўлаш     | 8% ўзининг иш хақидан ихтиёрий тартибда тўлаш                             | 10% ўзининг иш хақидан ихтиёрий тартибда тўлаш       | 12% ўзининг иш ҳакидан ихтиёрий тартибда тўлаш |
| <b>Чили пенсия тизимининг ажralиб турадиган ўзига хос жиҳати ...</b>  | Пенсияларни турли хил кўринишда тўлаш             | Турли хил пенсиялар   | Пенсия иштирокчилари муносабатларининг турли ҳиллиги | Пенсия тизимининг радикаллиги                  |
| <b>Чилида минимал пенсия олиш учун пенсия тизимига маблағларни қўйишининг минимал пороги қандай?</b>  | 15 йил  | 20 йил  | 25 йил   | 30 йил   |
| <b>Чилида пенсия олишнинг асосий 2 турини кўрсатинг?</b>  | ҳаётий рента, пенсияга дастурий ёндошув           | пенсияга дастурий ёндошув, бокувчинини тўсатдан йўқотганлик бўйича пенсия | ҳаётий рента, ногиронлик бўйича пенсия               | ёшгадоир пенсия, ногиронлик бўйича пенсия      |
| <b>Чилида қайта ўтказилган солидар пенсия тизимини шакллантириш манбалари қандай?</b>   | ишчиларнинг суғурта бадаллари                     | иш берувчиларнинг суғурта ўтказмалари                                     | соликлар   | йиғимлар, инвестицион даромад                  |

|   |  |   |  |   |
|---|--|---|--|---|
| <b>Чилининг пенсия фондига мажбурий ёки ихтиёрий равишдаги тўланадиган сугурта бадалларига нисбатан солик солинадими?</b>   | Йўқ, солинмайди  | Ха, солинади  | Қисман солинади  | Тўғри жавоб йўқ   |
| <b>Давлат ижтимоий сугуртаси билан таъминланаётган, даромадга олаётган Молдова Республикаси пенсионерларига пенсия тўланади</b>   | тўлиқ ҳажмда   | фоиз асосида  | пенсиянинг 50 фоизи                                    | пенсия тўланмайди   |
| <b>давлатнинг бозор муносабатларига тўғридан-тўғри фаол аралашуви, даромадларни қайта тақсимлашнинг давлат назоратидаги ривожланган тизимининг, шунингдек, нархларнинг шаклланиши, тарифлар орқали тартиблиш, бандликни таъминлаш жараёнларига аралашув механизмларининг мавжудлиги - ижтимоий сиёsat юритишнинг қайси моделига тааллуқли таъриф?</b> | хайрия   | маъмурий  | рағбатлантирувчи                                       | давлат  |
| <b>Эстония пенсия тизими қайси пенсия турларида намоён бўлади?</b>  | мажбурий жамғарib бориладиган пенсия, ихтиёрий жамғарib бориладиган пенсия | мажбурий пенсия сугуртаси, ихтиёрий жамғарib бориладиган пенсия, ихтиёрий жамғарib бориладиган пенсия | мажбурий пенсия таъминоти, жамғарib бориладиган пенсия | мажбурий пенсия сугуртаси, ихтиёрий жамғарib бориладиган пенсия |

|  |  |  |  |  |
|--|--|--|--|--|
| <b>Естонияда мажбурий ижтимоий суғурта маблағларини қайси орган бошқаради?</b>     | Естония Пенсия жамғармаси  | Ижтимоий суғурта департаменти  | Ижтимоий суғурта вазирлиги   | Ижтимоий таъминот давлат жамғармаси  |
| <b>Естонияда мажбурий пенсия қанақа қисмлардан шаклланади?</b>                     | асосий ва суғурта  | профессионал ҳисобга киритилган ижтимоий солиқ асосида базовий ва суғурта қопламаси  | асосий   | асосий ва жамғарип бориладиган   |
| <b>Федерал давлат хизматчилариға пенсия тўлаш тартиби қандай?</b>                  | Федерал давлат хизматчисига 15 йилда кам бўлмаган ўртача ойлик иш ҳаққи 45%и, меҳнат пенсияси ёки инвалидлик меҳнат пенсиясидан суғурта қисми чиқариб ташлаган ҳолда амалга оширилади. | Федерал давлат хизматчисига 15 йилда кам бўлмаган ўртача ойлик иш ҳаққи 55%и, меҳнат пенсияси ёки инвалидлик меҳнат пенсиясидан суғурта қисми чиқариб ташлаган ҳолда амалга оширилади. | Федерал давлат хизматчисига 20 йилда кам бўлмаган ўртача ойлик иш ҳаққи 55%и, меҳнат пенсияси ёки инвалидлик меҳнат пенсиясидан суғурта қисми чиқариб ташлаган ҳолда амалга оширилади. | Федерал давлат хизматчисига 15 йилда кам бўлмаган ўртача ойлик иш ҳаққи 50%и, меҳнат пенсияси ёки инвалидлик меҳнат пенсиясидан суғурта қисми чиқариб ташлаган ҳолда амалга оширилади. |
| <b>Франсия давлат пенсиялари захира жамғармаси қандай аталади?</b>                 | Пенсия захира жамғармаси   | Миллий пенсия режаси   | Қо'шимча пенсиялар тартиби ассоциацияси ва бошқарувчилар учун муассасалари   | Бошқарув инвестицион пенсия жамғармаси   |
| <b>Франсия фуқаролари қайси ҳолатда меҳнат пенсиясини тўлиқ олиш ҳуқуқига эга?</b> | умумий стажи 25 йилдан кам бўлмаган ҳолда  | умумий стажи 35 йилдан кам бўлмаган ҳолда  | умумий стажи 40 йилдан кам бўлмаган ҳолда  | умумий стажи 45 йилдан кам бўлмаган ҳолда  |
| <b>Франсия фуқароларининг пенсияга чиқиш ёши...</b>                                | 65 йил   | 55 йил   | 58 йил   | 60 йил   |
| <b>Франсия жамоат пенсияси қачон жорий қилинган?</b>                               | 1940йил  | 1941йил  | 1942йил  | 1947йил  |

|   |  |  |   |   |
|---|--|--|---|---|
| <b>Франсия пенсия<br/>қонунчилигига мувофик<br/>пенсия ҳисоблашда умумий<br/>стаждан ортиқ йил учун.....</b>        | хар йили учун 5%<br>умумий чәгараси 25%  | хар йили 5% умумий<br>чәгараси 20%   | хар йили 3% умумий<br>чәгараси 27%                                      | хар йили 3% умумий<br>чәгараси 15%  |
| <b>Франсия пенсия тизимиға хос<br/>хүсусиятни қўрсатинг.</b>  | қоплаш<br>коэффицентини<br>юқорулиги   | ўзгартериш<br>коэффицентининг<br>юқорилиги   | аҳоли турмуш<br>даражасининг<br>юқорилиги                               | умр кўриш қўрсаткичининг<br>юқорилиги                                     |
| <b>Франсия пенсия тизимининг<br/>асосий тамойиллари?</b>  | жамғариб<br>бориладиган пенсия<br>ва авлодлар<br>бирдамлиги тамойили   | тўлиқ қамраб олиш ва<br>авлодлар бирдамлиги<br>тамойили  | жамғариб бориладиган<br>пенсия суғуртаси, тўлик<br>қамраб олиш тамойили | тақсимлаш ва жамғариб<br>бориладиган суғурта<br>тамойили                  |
| <b>Франсия пенсия тизимининг<br/>погоналарини қўрсатинг.</b>  | икки поғона  | уч поғона  | тўрт поғона   | бир поғона  |
| <b>Франсия пенсия тизимининг<br/>турларини қўрсатинг</b>  | тақсимлаш<br>тамойилига<br>асосланган (ПАЙГ)<br>мажбурий давлат<br>пенсиялари; тармоқлар<br>бўйича ихтиёрий<br>схемалар; индивидуал<br>пенсия режалари | тармоқлар бўйич<br>ихтиёрий схемалари<br>(План Партенариал<br>ДъЕларгне Салариале<br>Волонтаире поур ла<br>Ретраите, ППЕСВР) | индивидуал ихтиёрий<br>пенсия режалари                                  | мажбурий давлат пенсия<br>режалар; индивидуал<br>ихтиёрий пенсия режалари |
| <b>Франсияда меҳнат пенсиясини<br/>ҳисоблаш тартиби:</b>  | охирги 15 йиллик<br>меҳнат стажи олинади   | охирги 14 йиллик<br>меҳнат стажи олинади   | охирги 12 йиллик<br>меҳнат стажи олинади                                | охирги 11 йиллик меҳнат<br>стажи олинади                                  |
| <b>Франсияда меҳнат пенсиясини<br/>тайинлашда зарур иш стажи<br/>йетмаганда "штраф<br/>коэффиценти" қўлланилади</b> | 15%  | 20%  | 25%   | 30%   |
| <b>Франсияда профессионал<br/>фаолият йўналишидаги<br/>қандай тартиб 60% ахолини<br/>қамраб олади?</b>              | Ёлланган ишчилар ва<br>хизматчилар<br>режимида   | Давлат ишчилари<br>режими  | Йирик миллий<br>монополияларга хизмат<br>қўрсатувчи режим               | Ёлланмаган ишчилар режими<br>(хунармандлар, савдогарлар,<br>шифокорлар)   |

|  |   |   |   |   |
|--|---|---|---|---|
| <b>Францияда қариликда тайинланадиган авлоддан-авлодга Фондидан нимани молиялаштиради?</b>   | ижтимоий пенсияларни молиялаштириш  | ижтимоий пенсиялар ва меҳнат пенсияларига белгиланган минимумга етишиши учун қўшимчаларни молиялаштириш | меҳнат пенсиялари бўйича тўлиқ харажатларни молиялаштириш     | минимал истеъмол саватчасига қўшилмаган пенсионерларнинг ижтимоий харажатларини молиялаштириш       |
| <b>Франциянинг пенсия тизимининг ижтимоий-демократик ўзига хос хусусиятининг моҳияти нимадан иборат?</b>   | иш ҳақининг белгиланган микдоридан кам бўлганида пенсиялар имтиёзли коеффицент бўйича ҳисобланади | олдинги иш ҳақига нисбатан пенсияларнинг каттароқ ҳисобланиши   | бўлажак иш ҳақига нисбатан пенсияларнинг каттароқ ҳисобланиши | иш ҳақининг белгиланган микдоридан кўп бўлганида пенсиялар тузатилвчи коеффицент бўйича ҳисобланади |
| <b>Франциянинг қайси маҳсус органи қишлоқ хўжалигига фаолият юритаётан ишчилардан ташқари барча ёлланма ишчиларнинг пенсиясининг базавий қисмини таъминлаб беради?</b> | Қарилик бўйича Миллий суғурта кассаси (СНАВПЛ)  | Ўзаро суғурта бўйича марказий касса   | Пенсия резерф фонди   | Хукумат инвестицияли пенсия фонди   |
| <b>Ғарбий Европа мамлакатларида давлат ижтимоий сиёсатини амалга оширишнинг биринчи босқичи қачондан бошланди?</b>   | XIX асрнинг 1-ярми – XX асрнинг боши  | XIX асрнинг 80-йиллари – XX асрнинг ўрталари  | XIX асрнинг 90-йиллари – XX асрнинг ўрталари                  | XX асрнинг 1-ярми - XXI асрнинг бошлари   |
| <b>Германия пенсия тизими нечта даражадан (поғонадан) иборат?</b>  | тўртта  | учта  | иккита  | битта   |
| <b>Германия пенсия тизимининг асосий принципи ...</b>  | умумийлик   | таксимланиш   | бирдамлик   | мутаносиблик  |

|  |  |   |  |   |
|--|--|---|--|---|
| <b>Германия пенсия тизимининг<br/>учинчи даражаси бу...</b>  | Ишчи ва<br>хизматчиларнинг<br>мажбурий пенсия<br>суғуртаси | Корхонадаги пенсия<br>суғуртаси             | Хусусий пенсия<br>суғуртаси  | Тўғри жавоб йўқ                               |
| <b>Германияда еркаклар учун<br/>пенсияга чиқиш ёши қандай?</b>   | 60   | 62  | 65   | 67  |
| <b>Германияда норезидентлар<br/>томонидан тўланган суғурта<br/>бадаллари суммаси бу<br/>давлатдан чиқиб кетаётганда<br/>уларга қайтариладими?</b>                                | Ҳа, қайтарилади  | Йўқ, қайтарилмайди                          | Қисман, факат<br>ишловчининг ўзи<br>тomonидан Пенсия<br>фондига тўланган<br>бадаллар | Икки ҳисса қилиб<br>қайтарилади               |
| <b>Германияда қандай манбалар<br/>ҳисобидан еркин касблар<br/>шахслари(врачлар,<br/>адвокатлар)нинг ижтимоий<br/>суғуртаси амалга оширилади?</b>                                 | мажбурий ижтимоий<br>суғурта ҳисобидан                     | маҳаллий бюджетлари<br>маблағлари ҳисобидан | мустақил кассалари<br>мавжуд бўлган касбий<br>палаталар маблағлари<br>ҳисобидан      | жамғариладиган фондлар<br>ҳисобидан           |
| <b>Германиянинг қонунчилигига<br/>асосан, фуқаронинг армиядаги<br/>хизмати ва аёлларнинг дикрет<br/>таътили мобайнида Пенсия<br/>фондига тўловни ким<br/>тўлайди?</b>            | Давлат   | Ишчи-ишга<br>чиққанидан сўнг                | Иш берувчи   | Пенсия фонди                                  |
| <b>Гейнард Алийев томонидан<br/>ишлаб чиқилган Озарбайжон<br/>Республикаси пенсия<br/>тизимини замонавий<br/>моделини шакллантириш<br/>консепсияси қачон қабул<br/>қилинган?</b> | 1991йил  | 2001йил                                     | 2009йил  | 2010йил                                       |
| <b>Ҳитой пенсия қонунчилигига<br/>имтиёзлар тизими мавжудми?</b>   | Алоҳида шаҳсларга<br>нисбатан имтиёзлар<br>мавжуд          | Юқ мавжуд емас                              | Алоҳида имтиёзли<br>нафақалар мавжуд   | Алоҳида имтиёзли ижтимоий<br>пенсиялар мавжуд |

|   |   |  |  |   |
|---|---|--|--|---|
| <b>Ҳитой пенсия қонунчилигига асосан давлат пенсия тизимиға ижтимоий тўловларнинг ставкалари</b>                | Худудларнинг аҳоли зичлигига қараб дифференсиялашуви  | Барча худудлар учун ягона  | Марказий ҳукуматнинг розилиги билан худудлар ажратмаларнинг бошқа ставкаларини ўрнатиши мумкин | Тўгри жавоб юқ  |
| <b>Ҳитой пенсия таъминотининг ўзига ҳос ҳусусиятлари</b>  | Давлат ҳизматчилари ижтимоий таъминот фондларига ажратмалар тўламасдан пенсия олиш ҳуқуқига эга | Бюджет соҳасининг ишчи-ходимларининг ижтимоий таъминоти давлат ҳизматчиларига нисбатан кенгроқ | Ҳитойнинг барча аҳолиси пенсия таъминоти билан қамраб олинган                                  | Камбагаллик тоифасига кирувчи аҳолининг барчаси пенсия таъминоти билан қамраб олинган |
| <b>Ҳитойда ижтимоий фондларга юналтириладиган бюджет ташкилотларининг ажратмалари неча фоизни ташкил этади?</b> | 10%   | 15%  | 18%  | 20%   |
| <b>Ҳитойда ишчи-ходимлар томонидан пенсия фондига тўланадиган ижтимоий тўловнинг миқдори</b>                    | 5%  | 6%   | 7%   | 8%  |
| <b>Ҳитойда Пенсия фондига ўтган йил учун ишчи иш ҳақисининг қайси суммасидан ажратмалар ўтказилади?</b>         | Ўтган йил учун ишчининг ўртacha иш ҳақисига нисбатан  | Ўтган йил учун ишчининг ўртacha арифметик ҳисобланган иш ҳақига нисбатан                       | Ўтган йил учун ишчининг ўртacha геометрик ҳисобланган иш ҳақига нисбатан                       | Ўтган 5 йил учун ишчининг ўртacha иш ҳақисига нисбатан                                |

| <b>Ҳитойда Пенсия олиш учун<br/>минимал сугурта стажи</b>  | 15 ёш  | 20 ёш   | 25 ёш   | 30 ёш  |
|--|--|---|---|--|
| <b>Ҳитойнинг Давлат ижтимоий<br/>сугурта фонди қандай<br/>маблаглар хисобидан<br/>шаклланади?</b>  | Ишчиларнинг<br>ижтимоий<br>ажратмаларидан  | Иш берувчиларнинг<br>ажратмаларидан   | Давлат дотациялари  | Иш берувчиларнинг<br>ажратмалари ва давлат<br>субсидиялари   |
| <b>Ҳитойнинг пенсия<br/>таъминотининг базавий қисми<br/>қандай қисмлардан иборат?</b>  | Асосий ва қушимча  | Асосий ва жамгариб<br>бориладиган   | Кафолатланган ва<br>шартли<br>жамгариладиган  | Кафолатланган ва<br>жамгариладиган   |
